O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2011-yil 10-may, seshanba ● № 19 (719) ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● elektron manzil: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!

Ҳафта янгиликлари

5-6 май кунлари Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди. Ташриф асносида Президентлар Бухоро шаҳрида ҳам бўлиб, бир қатор меъморий обидалар, диққатга сазовор жойларни кўришди.

Ташриф якунида икки мамлакатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланди.

6 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази билан ҳамкорликда Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси кўмагида «Демократик жамиятда конституциявий ҳуқуқ ва парламентаризмни ривожлантириш: Ўзбекистон ва Франция тажрибаси» мавзуида халқаро семинар ўтказилди.

4 май куни пойтахтимизда савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Ҳиндистон ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Пойтахтимизда «Инклюзив таълимнинг ижтимоий стратегиялари» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Конференцияда инклюзив таълимни ривожлантиришга оид қонунчиликни янада такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга оид маърузалар тингланди.

«Hurriyat» газетаси «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам йўловчиларнинг доимий ҳамроҳи.

БУ БУЮК ВАТАНДА ИНСОН УЛУҒ, ХОТИРА – МУҚАДДАС

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан эълон қилинган 9 май – Хотира ва қадрлаш куни мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда

Ҳамма нарса инсон учун, унинг манфаатлари учун. Ана шу эзгу мақсад истиқлол йилларида ҳаётимизда мустаҳкам ўрин эгаллади, изчил ислоҳотларнинг, юртимиз мустақил тараққиёт йўлининг бош йўналиши сифатида ҳамюртларимиз ҳаётида ўзининг мустаҳкам ифодасини топди. Зотан бугун Ўзбекистон инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати улуғланадиган буюк мустақил давлатга айланди.

Хотира ва қадрлаш — халқимизнинг асрий қадриятлари, улуғ фазилатларидан. Эл-юртининг тинчлиги, осойишталиги, эрки ва озодлиги учун курашган инсонлар ҳамиша халқимиз ардоғидадир. Ана шундай мардлик ва жасорат намунасини кўрсатганларга, жанг майдонларида жонини фидо қилган боболаримиз, сабр-бардош билан катта қийинчиликларни енгиб ўтган нуроний момоларимизни шарафлаш, хотирасини абадийлаштириш, уларга ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш мустақиллик йилларида янгича маъно-мазмун билан бойиди.

Бу жиҳатлар юртимизда кенг нишонланаётган Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тадбирларда, она диёримизни, халқимизнинг озодлик ва истиқлолини, эркин ва фаровон ҳаётини мардлик ва шижоат билан ҳимоя қилган фидойи юртдошларимизга кўрсатилаётган ғамхўрлик, ҳурмат-эҳтиромда янада яққол намоён бўлмоқда.

2 »

БОЛАЛАР УЙҚУДА ТЕЗ ЎСАДИЛАР

Маълум бўлишича, кундузги бедорлик вақтига қараганда тунги уйқу даврида болаларнинг бўй ўсиш суръати ўртача 43 фоизга юқори экан. Бу, айниқса, қиз болаларда яққол намоён бўлади. Бироқ, шифокорларнинг огоҳлантиришларича, уйкунинг давомийлиги нафақат бўй ўсишига, балки вазнинг ҳам ортиб боришига сабаб бўлиши мумкин.

5-бет

ВАТАННИ СЕВИШ ИЛМИ

Ватанга муҳаббат, унга садоқат инсон учун инсонийлик тахтидир. Бу тахтга ўтирганлар Ватандан ҳеч нарса сўрамайдилар, аксинча, мен Ватанга нима бердим дея, ўзларини юрт равнақи учун сафарбар этадилар.

7-бет

ЭКОТУРИЗМ ВА ИҚТИСОДИЁТ

уйғунлиги мамлакат ривожига катта ҳисса қўшади

Баъзилар экотуризм деганда чўққиларидан қор аримайдиган, дарёлари доимо бедор, турфа гиёҳлар ифорига тўйинган соф ҳаволи тоғлар бағрига сайр қилишни тушунади. Бироқ ана шундай манзарали гўшалар билан бирга саксовуллар зеб бағишлаган саҳрода, майин қум оёқни куйдирадиган чўлу биёбонларда кезишнинг ҳам бир олам завқи бор.

8-бет

✔ Концепция: ғоя, мақсад ва вазифалар

Радиациявий хавфсизликнинг ҳуқуқий замини

Мамлакатимиздаги тиббиёт, саноат, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланувчи объектлар лицензия асосида фаолият юритиб келмоқда. Уларнинг асосий қисмини рентген аппаратлари, рентген-компьютерли томографлар, магнит-резонансли томографлар, гамма-терапевтик ускуналар, гамма камералар билан боғлиқ тиббиёт соҳасидаги фаолият турлари ташкил қилади. Бундан ташқари, мамлакатимиз ҳудудига кириш ва чиқиш жойларидаги чегара ҳамда божхона постларида ионлаштирувчи нурланиш манбаларини аниқловчи портал мониторлар, дозиметр ва пейджерлар ўрнатилган. Бу радиоактив моддалар билан ноқонуний муомала қилишнинг олдини олишда ўзининг самарасини бермоқда.

Умумий қилиб айтганда, мамлакатимизда радиациявий хавфсизликни таъминлаш борасида салмоқли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Шу билан бирга, дунёда рўй бераётган тараққиёт, экологик вазиятлар, инсон саломатлигини ҳимоя қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалалари ҳамда бу борада комплекс тадбирларни ишлаб чиқиш зарурияти радиациявий жиҳатдан хавфли объектларни чуқур ўрганишни, уларнинг фаолиятини ҳар томонлама таҳлил қилишни, шунингдек, бу борадаги қонунчиликни такомиллаштиришни тақозо этади. Шу маънода «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги Қонуннинг қабул қилиниши ушбу соҳадаги фаолиятни янада такомиллаштириш ва ривожлантиришда ҳуқуқий замин яратди.

3 »

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг

"ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ – 2010"

танлови давом этмоқда

Ҳурматли ҳамкасблар!

2010 йил эл-юртимиз, Ватанимиз учун ҳар жиҳатдан мазмунли, баракали ва омадли бўлди. Юртимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Мамлакатни янгилаш, иқтисодиётни модернизация қилиш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада яхшилаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш борасида катта ютуқларга эришилди. "Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида ёшларни жисмонан ва маънан соғлом, давр талабига мос интеллектуал билим ва касбга эга замонавий инсонлар бўлиб вояга етишларини таъминлашга қаратилган салмоқли ва хайрли ишлар қилинди.

Халқимизнинг эришаётган бу ютуқлари, олижаноб мақсад ва саъй-ҳаракатларини кенг ёритишда оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатаётган сиз, журналистларнинг хизматларингиз катта.

Азиз ҳамкасблар, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси сизларни "Йилнинг энг фаол журналисти – 2010" танловида қатнашишга таклиф этади. Танловга 2010 йилнинг 1 июнидан 2011 йилнинг 1 июнигача газета ва журналларда, интернет нашрларида эълон қилинган материаллар, эфирга узатилган телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар қабул қилинади.

Материаллар танловга таҳририят тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлимлари орқали жорий йилнинг 5 июнигача тақдим этилади.

Ижодий ишлар намуналари билан биргаликда муаллифнинг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилиниши керак.

"Йилнинг энг фаол журналисти – 2010" танлови ғолиблари ва совриндорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишлаб 27 июнда ўтказиладиган байрам тадбирида топширилади. Тақдирланганлар рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Материаллар "Йилнинг энг фаол журналисти – 2010" танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси 3-қават, 30-, 35-, 37-хоналар

Телефонлар: 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87.

e-mail: ijod@sarkor.uz

БУ БУЮК ВАТАНДА ИНСОН УЛУҒ, ХОТИРА – МУҚАДДАС

(Бошланиши 1-бетда.)

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил 22 апрелда қабул қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармони мамлакатимизда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига кўрсатилаётган эҳтиромнинг яна бир ёрқин ифодасидир. Мазкур фармонга мувофиқ барча шаҳар ва туманларда, қишлоқ ва маҳаллаларда уруш қатнашчилари ва ногиронларига пул мукофотлари тантанали равишда топширилди.

9 май. Пойтахтимиздаги Хотира майдони ҳар қачонгидан гавжум. Бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари ташриф буюрди.

Майдон узра маҳзун мусиқа таралади.

Соат 9.00. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган минглаб ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

— Бугун бутун халқимиз 9 май санасини — фашизм устидан қозонилган буюк Ғалабанинг 66 йиллик байрамини кенг нишонламоқда. Бу қутлуғ сана билан авваламбор сафимизда соғ-омон яшаб келаётган уруш қатнашчиларини, муҳтарам фахрийларимизни, барча-барча юртдошларимизни чин қалбимдан самимий табриклайман, — деди Ислом Каримов.

Маълумки, 1999 йилдан бери 9 майни юртимизда Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонлаймиз.

Хотира, қадр деган тушунчалар азал-азалдан эл-юртимизнинг тафаккури, маънавий ҳаётимизнинг ажралмас бир қисми бўлиб келади. Ўзини, ўз эл-юртининг ўтмишини, тарихини эсламайдиган, билмайдиган, ўз хотирасида сақламасдан яшайдиган одам боласини, онгли инсонни тасаввур қилиб бўлмайди.

Хотира деганда, барчамиз қонқонимиз, суяк-суягимизга сингиб кетган муқаддас туйғуни тушунамиз. Чиндан ҳам, ўтганларни хотирлаш, уларнинг руҳини ёд этиш халқимиз учун асрлар давомида эзгу анъана, эзгу одатга айланиб қолган.

Тарихий хотира — бу аввало ҳаёт мазмунини, авлодлар ўртасидаги ворислик туйғусини англаш демакдир, деди давлатимиз раҳбари. Узоқ-яқин ўтмишда содир бўлган воқеа-ҳодисалардан бугунги ва эртанги кун учун зарур сабоқ ва хулосалар чиқариб яшаш демакдир. Ўз болалари ва авлодларига, уларнинг онгу шуурига аждодлар руҳига ҳурмат ва эҳтиром туйғуси билан яшашни сингдириш демакдир.

Иккинчи жаҳон уруши, унинг жароҳатлари эл-юртимиз хотирасида умрбод сақланади. Кўпни кўрган, жафокаш халқимиз бу урушда не-не асл фарзандларидан, оиланинг таянчи ва суянчи бўлмиш қанча-қанча навқирон ўғлонларидан жудо бўлган, деди Ислом Каримов.

Агар уруш арафасида Ўзбекистонда 6,5 миллионга яқин аҳоли яшаган бўлса, шундан 1,5 миллиони урушда бевосита иштирок этган. Ёш гўдак ва болаларни, қариялар ва аёлларни ҳисобга олмаганда, халқимизнинг 40 фоиздан кўпроғи қўлига қурол олиб, жангу жадалларда қатнашган. Ва бу даҳшатли қирғинда қарийб 500 минг юртдошимиз, яъни урушда қатнашганларнинг 30 фоизи ҳалок бўлганини инобатга оладиган бўлсак, эришилган Ғалабанинг қадр-қиммати нечоғли баланд эканини, Ўзбекистон халқининг фашизмга қарши курашга қандай катта ҳисса қўшгани яққол аён бўлади.

Бу ҳақиқатни ҳеч ким, ҳеч қачон унутмаслигини истардим, қолаверса, талаб қилардим, деди Президентимиз.

Ишончим комил, бу мард ва жасур юртдошларимиз қандайдир номаълум тепаликни эгаллаш учун эмас, аввало фашизм балосини юртимиз остонасига йўлатмаслик учун, ўзининг ота-онаси, суюкли ёри, азиз фарзандлари, ёру дўстларини, эл-юртини ҳимоялаш, асраш учун жангга кирган, жон фидо қилган.

Шунинг учун ҳам бу даҳшатли уруш етказган оғир жароҳат, битмас яра бўлиб, ҳеч қачон хотирамиздан ўчмайди. Юртимизда бирон-бир оила, бирон-бир хонадон йўкки, кимидир бу урушда қатнашмаган бўлсин, бу уруш уларнинг бошига кулфат келтирмаган бўлсин. Бу мудҳиш қирғин туфайли қанча аскарлар майиб-мажруҳ бўлиб қайтган, қанча аёллар бева, минглаб болалар етим бўлиб қолган.

Табиийки, ҳар бир оила жанг майдонларида қурбон бўлганларни, бедарак кетганларни, ўз аждодининг хотирасини қанча йиллар ўтса ҳам армон билан эслайди.

Бугун пойтахтимизда, вилоят, шаҳар ва туман марказларида барпо этилган мана шундай гўзал Хотира майдонларида урушда жасорат кўрсатиб ҳалок бўлганлар, фронт ортида кечани кеча, кундузни кундуз демай меҳнат қилган матонатли инсонларнинг азиз хотираси олдида бош эгиб, таъзим қилиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Бир сўз билан айтганда, хотира туйғусининг асл маъноси бугунги тинч-осуда, эркин ҳаётга биз осонликча эришмаганимизни, бу ёруғ кунлар осмондан тушмагани, қандай оғир машаққат билан қўлга киритилганини доимо эслатишни ифода этади.

Бугунги айёмнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, у бир-биримизни, авваламбор, сафимизда тетик бўлиб юрган уруш қатнашчиларини қадрлаб, уларга меҳр-оқибат кўрсатиб яшашга даъват этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда 8 минг 600 дан ортиқ уруш қатнашчиси ҳаёт кечирмоқда. Муҳтарам фахрийларимизнинг ҳаётини мазмунли қилишга, умрини узайтиришга қўлимиздан келганча ҳисса қўшиш, уларга нафақат мана шундай байрам кунларида, балки ҳар куни, ҳар соатда ғамхўрлик ва меҳрибонлик кўрсатиш барчамиз учун, авваламбор, раҳбарлар учун ҳам қарз, ҳам фарз эканини унутмаслигимиз керак, деди Юртбошимиз.

Хотира ва қадрлаш маросимининг яна бир муҳим аҳамияти шундаки, у барчамизни бугунги нотинч ва таҳликали дунёда доимо сезгир, ҳушёр ва огоҳ бўлиб, тинч-осойишта ҳаётимизнинг, мусаффо осмонимизнинг қадрига етиб яшашга даъват этади.

Шу маънода, дунёнинг айрим мамлакатларида бугун қандай низо ва қарама-қаршиликлар пайдо бўлаётганини унутмаслигимиз даркор. Мисол учун, мана ён қўшнимиз — Афғонистонда 30 йилдан буён уруш давом этмоқда.

Биз бундай нотинчликлардан тегишли хулосалар чиқаришимиз, юртимизда ҳукм сураётган тинчликни, миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлашимиз керак. Халқимизнинг энг катта бойлиги — бағрикенглик, меҳр-оқибат. Биз бу бағрикенгликни, меҳр-оқибатни доимо асраб-авайлашимиз зарур.

Биз ўз олдимизга қўйган буюк ва эзгу мақсадларга эришиш, дунёдаги ривожланган, демократик давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаш ҳақида гапирганда, бу йўлда бизнинг таянчимиз, суянчимиз бўлган ёшларни миллий ғоямиз руҳида, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлод этиб тарбиялаш — ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Яқинда Сурхондарё вилоятида бўлиб, ёшлар билан суҳбатлашганимда, куни кеча у ерда бўлиб ўтган "Баркамол авлод" спорт ўйинларини телевидение орқали кузатганда кўпчилик қатори мен ҳам кўзлари ёниб, ғайрат-шижоатга тўлиб турган навқирон ўғил-қизларимизга боқиб, катта ғурур ва ифтихор туйғусини ҳис этдим, деди давлатимиз раҳбари.

Энг замонавий билимга, кенг дунёқарашга эга бўлиш, ўз қадр-қимматини англаш, ҳеч кимдан кам бўлмасликка, маррани баланд қўйиб яшашга интилиш фарзандларимизнинг ички дунёсига тобора сингиб бораётгани ҳаммамизни қувонтиради, албатта.

Фурсатдан фойдаланиб, барча уруш қатнашчилари, муҳтарам фахрийларимизни, бутун халқимизни бугунги қутлуғ байрам билан яна бир бор табриклайман. Барча ватандошларимизга тинчлик-омонлик, бахт ва омад тилайман, деди Ислом Каримов.

Мотамсаро она ҳайкали пойи шу куни анвойи гулларга бурканди. Хотира майдони оқшомга қадар юрт тинчлиги ва озодлиги, фарзандларининг порлоқ истиқболи учун жон фидо қилган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этиш учун келган зиёратчилар билан гавжум бўлди.

* * *

Президентимиз Ислом Каримов шу куни пойтахтимиз марказида бунёд этилаётган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг янги биносида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва ғояси асосида бунёд этилаётган ушбу бино архитектуравий муҳандислик ечимига кўра ноёб иншоотдир.

— Ушбу иншоот бугунги ва келажак авлодларга хизмат қиладиган даражада мустаҳкам ва муҳташам бўлмоғи зарур, — деди Юртбошимиз.

(ЎзА)

Раҳмон ота эрта тонгдан фарзандлари ва набираларини дуо қилиб, бирини ишга, бошқасини ўқишга кузатгач, остонада кутиб турган ўқувчилар ҳамроҳлигида Ургут агросаноат ва сервис касб-ҳунар коллежи томон йўл олди.

ЭЪЗОЗ

Ургут туманидаги Янгиқишлоқнинг ҳеч бир тўй-маъракаси, байрам тадбирлари Раҳмон отанинг иштирокисиз ўтмайди. Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан уни йўқлаб келувчилар, учрашув ва тадбирларга таклиф этувчилар ҳар қачонгидан ҳам кўп. Қишлоқ аҳли учун 85 ёшни қаршилаётган пиру бадавлат отахоннинг суҳбатидан баҳраманд бўлиш, маслаҳат ва насиҳатларини олиш яхши анъанага айланган.

Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 22 апрель куни қабул қилинган "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги фармонига мувофиқ Самарқанд вилоятида ҳам уруш фахрийлари ва ногиронларига пул мукофотлари, байрам совғалари тантанали равишда топширилди. Фахрийлар иштирокида маданий-маърифий тадбирлар, учрашувлар ўтказилмоқда. Уларда иштирок этаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари ўзларининг ҳаёт йўли, оғир ва машаққатли даврга тўғри келган ёшлик йиллари, бугунги тинч, фаровон ҳаётнинг қадрига етиш ҳақида сўзламоқдалар.

Бутун ҳаётини ёш авлод таълим-тарбиясига бағишлаган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Раҳмон Баротов ҳам ана шундай тадбирларнинг азиз меҳмони.

— Инсон қадр-қиммати улуғланган юртда яшашнинг ўзи катта бахт, — дейди отахон. — Юртбошимизнинг биз, кексаларга кўрсатаётган ҳурмат-эҳтироми халқимизни, айниқса, ёшларимизни миллий қадриятларимизни ардоқлашга даъват этмоқда. Юртбошимиз олиб бораётган, мамлакатимизнинг салоҳияти, халқимизнинг бой моддий ва маънавий меросини дунёга кўрсатаётган, юртимизда тинчлик-осойишталик барқарорлигини, фаровонликни таъминлаётган давлат сиёсатидан қалбим ғурурга тўлади. Ўқитувчи бўлганим учун таълим тизимидаги улкан янгилик ва ўзгаришларни алоҳида эътибор ва фахр билан кузатаман. Бугун мактаблардаги шарт-шароитлар, ўқитувчи ва ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрлик бизлар учун фақат орзу бўлган. Энг муҳими, ўқувчиларимиз билим олиш билан бирга замонавий касб-ҳунарларни ҳам чукур ўрганмоқда. Ёшларимизга мана шундай неъматларни берган мустақилликни асрашни, яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланишни, Ватанимизга садоқатли фарзандлар бўлишни ўқтириш бизнинг бурчимиздир.

Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири

Юксак эътиборнинг амалдаги ёрқин ифодаси

Тошкентда «Айтишув — 2011» халқаро оқинлар айтишуви бўлиб ўтди

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида жамиятимизда ўзаро аҳиллик, тотувлик, ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш борасидаги изчил ишлар ёшлар маънавиятини юксалтириш, юртимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва дин вакилларининг анъана ва маданиятини равнақ топтириш, уларни янгича мазмун билан бойитишда муҳим омил бўлмоқда.

Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб «Истиқлол» санъат саройида бўлиб ўтган «Айтишув — 2011» халқаро оқинлар айтишувида бу жиҳатлар яна бир бор ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Шу муносабат билан мазкур муҳташам саройга турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, юртимизда фаолият кўрсатаётган миллий маданият марказлари, хорижий элчихоналарнинг вакиллари таклиф этилди.

Республика Байналмилал маданият маркази директори Насриддин Муҳаммадиев, Қозоқ миллий маданият маркази раҳбари Марат Укубоев, Қозоғистоннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Борибай Жексембин ва бошқалар Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ўзаро иқтисодий-сиёсий, илмий-маърифий алоқалар тобора ривожланиб бораётганини таъкидладилар. Икки давлат раҳбарлари ўртасида эришилган келишувлар бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Тили, анъана ва урф-одатлари бир-бирига яқин икки қардош халқ ўртасидаги ҳамкорликнинг тобора мустаҳкамланишида маданий алоқаларнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Юртимизда ҳар йили ўтказилувчи бадиий, фото кўргазмалар, турли концертлар, фестивалларда қозоғистонлик мусаввирлар, санъат усталарининг фаол иштирок этиши, ўзбекистонлик ижодкорларнинг қўшни мамлакатдаги маданий тадбирларда муваффақиятли қатнашиши бунинг амалдаги ёрқин далилидир.

Ўзбекистонда истиқомат қилаётган бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элатларнинг ўзига хос анъана ва маданиятининг гуллаб-яшнашида Республика Байналмилал маданият марказининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Ҳамкорликда ўтказилаётган турли маданий лойиҳалар, дўстлик фестиваллари, ижодий кўрик-танловлар, концертлар бунинг яққол тасдиғидир.

Халқимизнинг энг улуғ, энг азиз байрами — Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб «Айтишув — 2011» халқаро оқинлар айтишувининг баланд руҳ, байрамона кайфиятда ташкил этилгани ҳам мустақиллик йилларида юртимизда миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш борасида эришилган улкан ютуқларнинг ўзига хос намойиши бўлди. Унда Ўзбекистон, Қозоғистон, Мўғулистоннинг халқ ижодиёти усталари ўз маҳоратини намойиш этди.

— Алишер Навоий номидаги файзли кўчага Абай номидаги кўча туташ гўзал ва меҳмондўст Тошкент шаҳрида бундай халқаро санъат байрамининг ўтказилиши Ўзбекистонда миллий анъаналарнинг бардавомлигини таъминлаш, дўстлик, ҳамжиҳатлик алоқаларини мустаҳкамлаш борасидаги эзгу интилишларнинг амалдаги ифодасидир, — дейди Қозоғистон халқ артисти Асилхон Қолибекова. — Ўзбекистонда халқ оғзаки ижодиётининг мазкур ноёб тури — айтишувни ривожлантиришга бўлган улкан эътибор унинг асраб-авайланишида муҳим омил бўлмоқда.

Айтишув санъати ижрочидан катта сўз бойлиги, ҳозиржавоблик, топқирлик, жозибали овоз, хонандалик ва созандалик маҳоратини талаб этади. Асосан икки оқин ижро этадиган санъат жўшқинлиги, серзавқ ижроси, томошабинга кўтаринки кайфият бағишлаши билан ҳам аҳамиятлидир.

— Бундай халқаро оқинлар айтишувида иштирок этаётганимдан беҳад мамнунман, — дейди қозоғистонлик оқин Тўреғали Алихонов. — Айтишув жуда юксак савияда, кўтаринки руҳда ўтди. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда истиқомат қилаётган турли миллатларнинг маданияти, санъати, анъана ва урф-одатларини ривожлантириш, уларни янгича усул ва йўналишлар билан бойитиш, ўрганиш борасида кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги ёрқин ифодасидир.

— Ўзбекистонга биринчи марта келишим, — дейди мўғулистонлик Орал Қометия. — Бугунги глобаллашув шароитида турли миллат ва элат вакилларининг ягона оила фарзандларидек аҳиллиқда яшаши, таълим олиши, меҳнат қилиши, ўз анъана ва маданияти, урф-одатларини ривожлантириши учун давлат томонидан барча зарур шароитларнинг яратилгани менда катта ҳавас уйғотди. Бундай маҳобатли санъат саройида, бундай халқаро санъат байрамида илк бор иштирок этяпман. Ўзбекистонлик Нурхон Туймекулова билан айтишув ижро этдим. Унинг ҳозиржавоблиги, топқирлиги, овоз имконияти, маҳорати, импровизациясининг кучлилиги алоҳида эътирофга лойиқ. Мафтункор, озода ва саришта Тошкент шаҳридан олган таассуротларим умримнинг энг ёрқин саҳифаларига айланишига шубҳа йўқ.

Бош соврин сохибаси, қозоғистонлик оқин Айнур Турсунбоева

А.АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат

— Мен кўпгина халқаро оқинларнинг айтишувида иштирок этганман, — дейди қозоғистонлик оқин Карима Ўролова. — Тошкентда ўтказилган санъат байрамида ўтирган тўрт мингдан ортиқ томошабиннинг олқиши ва гулдурос қарсаклари мени қаттиқ ҳаяжонга солди. Буларнинг барчаси халқингиз санъатни теран ва нозик ҳис этишидан далолат.

Айтишув якунига кўра, бош соврин — «SPARK» автомашинаси қозоғистонлик оқин Айнур Турсунбоевага насиб этди. Ўзбекистонлик оқин Қулмаҳан Дуйсенов ҳамда қозоғистонлик оқин Карима Ўролова биринчи ўринга лойиқ топилди. Тадбирнинг барча ғолиб ва совриндорларига диплом ва совғалар топширилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ БАРЧА ТУРДАГИ КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ ПОЧТА АЛОҚАСИ хизматларидан фойдаланинг!
Телефон: (8 371) 233-57-47,
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

Радиациявий хавфсизликнинг ҳуқуқий замини

(Бошланиши 1-бетда.)

Қонуннинг асосий мақсади фуқаролар ҳаёти, соғлиғини ҳамда атроф муҳитни ионлаштирувчи нурланишнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилишни кучайтириш борасида комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқишга қаратилган халқаро нормалар рўёбга чиқарилиши муносабати билан миллий қонунчилик базасини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришдан, шунингдек, радиациявий хавфсизлик соҳасидаги атама ва тушунчаларнинг бир хил қўлланилишига, талқин қилинишига эришишдан иборат. Иккита моддадан таркиб топган мазкур қонун қабул қилингунга қадар қонунчиликда "радиациявий чиқинди" тушунчасини белгилаб берадиган махсус норма йўқ эди. Қонун нормаларидаги зиддиятларни, уларнинг нотўғри талқин қилинишини бартараф этиш ва бир хил қўлланилишини таъминлаш мақсадида "Радиациявий хавфсизлик тўғрисида"ги Қонуннинг "Асосий тушунчалар" деб номланган 2-моддаси "радиоактив чиқиндилар" тушунчасини ифодалайдиган янги хатбоши билан тўлдирилди. Бу келгусида ҳар қандай радиоактив чиқиндини аниқлаш, улардан муҳофазаланиш чораларини кўришга хизмат қилади.

Бундан ташқари, мазкур қонунда "радиация-гигиена паспорти" тушунчаси ва унда нималар акс эттирилиши лозимлиги белгиланди. Ушбу тушунчанинг киритилгани, ўз навбатида, радиактив модда манбаларидан фойдаланувчи юридик шахсларнинг радиация-гигиена паспортини турлича талқин қилинишининг олдини олишга асос бўлади.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда радиациявий хавфсизликни таъминлаш Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Саноатгеоконтехназорат" Давлат инспекцияси билан бир қаторда, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси зиммасига юклатилган. Янги қонун радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги давлат назоратини амалга оширувчи ушбу идоралар ишини мувофиқлаштиришга ва тизимли олиб борилишига хизмат қилади.

Маълумки, хомашё, қурилиш материаллари ва минерал ўғитлар ишлаб чиқариш жараёнида инсон саломатлиги ва атроф муҳитга радиациявий хавф туғилиши эҳтимоли мавжуд. Шуни ҳисобга олган ҳолда, "Радиациявий хавфсизлик тўғрисида"ги қонуннинг 8-моддаси учинчи қисмига ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланувчилар билан бир қаторда таркибида табиий радиоактив элементлар мавжуд бўлган хомашё, қурилиш материаллари ва минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчилар ҳам радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасида ишлаб чиқариш назоратини олиб бориш ҳуқуқига эга эканлигини белгиловчи ўзгартиш киритилди. Албатта, бу ўзгартиш ишлаб чиқариш фаолиятини режалаштириш ва ижросини таъминлашда уларнинг масъулиятини оширишга асос бўлади.

Радиоактивликнинг атроф табиий муҳитга ва фуқаролар соғлиғига таъсири устидан жамоат назоратини кучайтириш, шунингдек, "Радиациявий хавфсизлик тўғрисида"ги Қонун нормаларини "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонун нормаларига мувофиқлаштириш мақсадида 8-модданинг тўртинчи қисмига радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги жамоат назоратини нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролар билан бирга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам амалга оширишини назарда тутувчи ўзгартиш киритилгани ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб боришдаги вазифалари янада кенгайишидан далолат беради.

Мухтасар қилиб айтганда, бу қонуннинг амалга татбиқ этилиши фуқаролар ҳаёти, соғлиғини ҳамда атроф муҳитни ионлаштирувчи нурланишнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилишни янада кучайтиришга, соҳага оид халқаро конвенциялар, битимлар билан ўзаро мувофиқликнинг таъминланишига, радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасида ваколатли органлар фаолиятини мувофиқлаштиришга ҳамда жамоатчилик назоратини олиб бориш тизимидаги вазифаларнинг янада кенгайишига асос сифатида намоён бўлади.

Эркин ҲАЙИТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими

ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 апрель куни "Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.

Фармонда янги ташкил қилинган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб дастлабки уч йил мобайнида режали солиқ текширишларидан ўтказилмаслиги;

2011 йил 1 апрелидан то 2014 йилнинг 1 апрелигача бўлган даврда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган, шунингдек, ишлаб чиқариш суръатларининг барқарор ўсиши ва рентабеллигини таъминлаётган кичик бизнес субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини солиқ соҳасида текшириш тақиқлангани;

кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ соҳасида текшириш муддатларини қонун ҳужжатларида уларни ўтказиш кўзда тутилган максимал муддатдан, яъни 30 календарь кунидан ортиқ муддатга узайтирилишига йўл қўйилмаслиги белгиланди.

* * *

Тадбиркорлар ҳуқуқлари ҳимоясини тўлиқ таъминлаш, уларнинг эркин фаолият кўрсатишига эришиш, ҳар қандай тўсиқларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 19 март куни "Адлия органларида махсус 008 "Ишонч" телефони ташкил этиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Адлия органларининг "Ишонч" телефонига мурожаатлар бутун Ўзбекистон ҳудудида 008 рақамига қўнғироқ қилиш йўли билан амалга оширилади. Қўнғироқ бепул.

"Ишонч" телефони орқали тушаётган мурожаатлар душанба кунидан жума кунигача (жума куни ҳам) соат 09^{00} дан 13^{00} гача ва 14^{00} дан 18^{00} гача адлия органларининг масъул ходимлари томонидан қабул қилинади.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 19 мартдаги "Адлия органларида махсус "Ишонч" телефони ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига асосан кўп каналли телефон алоқасининг махсус линияси ташкил этилди.

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР!

Агар сизнинг қонуний ҳуқуқларингиз бузилса, ҳеч иккиланмай Адлия вазирлиги ёки унинг ҳудудий бошқармаларидаги "Ишонч" телефонига қўнғироқ қилинг. Адлия идораларининг мутахассислари сизнинг ҳақ-ҳуқуқингизни ҳимоя қилишга ва бузилган ҳуқуқингизни тиклашга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги	371	008	236-26-99, 233-47-68, 236-05-09
Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги	361	008	223-71-93
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси	371	008	262-92-42
Андижон вилоят адлия бошқармаси	374	008	222-30-89
Бухоро вилоят адлия бошқармаси	365	008	223-21-20
Жиззах вилоят адлия бошқармаси	372	008	771-64-71
Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси	375	008	223-01-64
Навоий вилоят адлия бошқармаси	436	008	223-01-38
Наманган вилоят адлия бошқармаси	369	008	226-51-93
Самарқанд вилоят адлия бошқармаси	366	008	233-04-62
Сирдарё вилоят адлия бошқармаси	367	008	225-09-69
Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси	376	008	223-26-84
Тошкент вилоят адлия бошқармаси	371	008	280-50-96
Фарғона вилоят адлия бошқармаси	373	008	224-15-49
Хоразм вилоят адлия бошқармаси	362	008	226-65-50

E-mail: info@minjust.gov.uz

Яшил бойлик яратувчилар

Хоразм давлат ўрмон хўжалиги жамоасининг хайрли ишларига бир назар

Истиқлол йилларида юртимизда ўсимлик дунёсини янада кўпайтириш, уни кўз қорачиғидай авайлаб-асраб авлодларга етказиш йўлида амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Ана шу хайрли ишга Хоразм Давлат ўрмон хўжалигининг аҳил жамоаси баракали улуш қўшяпти.

Ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида ташкил топган ўрмон хўжалиги мамлакатимиз мустақилликка эришгандан буён ўтган давр мобайнида фаолият кўламини янада кенгайтирди. Кейинги даврда воҳанинг турли туманларида, Амударёнинг қуйи қисмида, Қорақум ва Қизилқум саҳроларида янгидан тўқайзорлар, саксовулзорлар барпо этилди. Ҳозир ўрмон хўжалиги тасарруфидаги ерлар 78586 гектарни ташкил этади.

Жойларда янги тўқайзорлар яратиш, кўкаламзор ҳудудларни кўпайтириш, қумлар кўчишининг олдини олиш мақсадида саксовулзорлар барпо этиш жабҳасида ўрмон хўжалиги бўлимлари амалга ошираётган ишлар диққатга сазовордир. Масалан, Хива ва Туямўйин ўрмончилик бўлимларининг асосий вазифаси қум барханлари кўчишининг олдини олиш мақсадида у ердаги саксовулзорларни ва бошқа ўсимик дунёсини кўпайтиришдан иборат. Бу бўлимлар ўрмончилари ҳар йили уч юз гектар майдонда саксовулзорлар барпо этишмоқда. Минг гектар майдондаги чўл ўрмонларининг табиий ўсишига кўмаклашмоқда. Қақрали ўрмончилик бўлимида эса ҳар йили ўн беш турдаги 400 минг тупдан зиёд манзарали дарахт кўчатлари етиштирилмоқда. 150 гектар майдондаги маданий ўрмонлар муҳофаза этилиб, парвариш қилинаётир.

— Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллик юбилейига «20 туп дарахт — менинг туҳфам» шиори остида ўтказилган тадбир жараёнида Янгибозор туманига 300 минг туп терак ва жийда ниҳолларини беғараз ёрдам тариқасида бердик. Айни вақтда Бухоро — Нукус йўналишидаги Буюк Ипак йўлининг бир қисми бўлган автомагистралнинг чўл ҳудудидан ўтган 112 километр атрофида саксовул кўчатларидан маданий ўрмонлар барпо қилиш устида иш олиб борилянпти. Бу иш шу йилнинг охиригача ниҳоясига етказилади, — дейди ўрмон хўжалиги раҳбари Бахтиёр Ражабов. — Шу аснода яна бир ишга қўл уряпмиз. Вилоятимиз марказини ободонлаштириш, янги хиёбонлар ташкил қилиш, кўплаб дарахт кўчатларини ўтказиш режаларини белгилаб олганмиз.

Республика Президенти ҳамда ҳукуматининг мамлакатимизда ўрмончилик хўжалигини янада ривожлантиришга оид фармон ва қарорлари асосида қатор ишлар рўёбга чиқарилмоқда. Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йилда қабул қилган 186-сонли қарорига асосан шу кунгача 1 мингдан кўпроқ япон сафороси кўчати етиштирилиб, тарқатилди.

Тузалбой РАҲИМБОЕВ,
«Hurriyat» мухбири ®

Фаолият

Оилавий бизнес — барака манбаи

Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, Президентимиз таъбири билан айтганда, одамларнинг "ҳаёт фалсафаси"ни тубдан ўзгартирди. Узоқ йиллар давомида боқиманда кайфиятда юрган юртдошларимиз орасидан ишнинг кўзини биладиган тадбиркорлар, уста ҳунармандлар, касаначилар, иш юритувчилар ажралиб чиқди. Эндиликда улар тадбиркорлик билан шуғулланиш орқали янгидан-янги иш ўринларини яратмоқдалар.

Шунга яраша бугун аҳоли даромадларининг таркиби ҳам ўзгариб бормоқда. Агар 1990 йилда аҳоли даромадлари таркибидаги иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар 69,8 фоизни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишдан тушган даромад 7,6 фоизни, тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромад 3 фоизни ташкил этган бўлса, 2009 йилда аҳоли иш ҳақи ва унга тенглаштирилган даромадлар 29,7 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишдан тушган даромад 27 фоиз, тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромад 28,1 фоизга етди. Бундан кўринадики, тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромад иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар даражаси билан деярли баравар лашган. Демак, оилалар молиявий имкониятларининг кенгайгани эвазига бизнесни оила аъзолари доирасида ташкил этиш учун қулай замин яратилди.



Оилада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши аҳоли бандлигини ошириш учун жуда қулай имконият ҳисобланади. Чунки оила бошлиғи ўз маблағларини тадбиркорлик билан ишлаб чиқаришга йўналтирса, бу орқали ўз оиласи даромадларини ошириш билан бирга иш ҳажмини кенгайтириб боради. Маҳалла аҳлини иш билан таъминлаш учун моддий негиз ҳам яратади.

Статистик маълумотларга кўра, 1992 йилда рўйхатга олинган кичик бизнес субъектларининг сони мамлакатимиз бўйича атиги 16,5 мингтани ташкил этган бўлса, 2010 йил 1 январь ҳолатига кўра бу кўрсаткич (фермер хўжаликларидан ташқари) 224 минг 200 тага етди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши эса 2009 йил охирига келиб 50,3 фоизга ўсди.

Президентимиз 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида Ўзбекистоннинг бу йилги ялпи ички маҳсулотида кичик бизнеснинг улуши 50 фоиздан ортиб бораётганига қарамай, бу соҳада реал иқтисодиётда, хусусан, саноатда етакчи ўринни эгаллай олмаётганига эътибор қаратди. "Ўйлайманки, бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенгайтириш учун бизнеснинг янги ташкилий ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни қонуний белгилаб қўйишнинг вақти келди", — деб таъкидланди маърузада.

Оилавий бизнес ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан энг мустаҳкам ва самарали фаолият ҳисобланади. Чунки оила аъзолари ўзлари бошлаган ишга катта масъулият билан ёндашадилар. Яратиб берилаётган имкониятлар боис кейинги йилларда иқтидори ва лаёқатини намоён қилиб оилавий бизнесни ташкил этаётганлар сони кўпайиб бормоқда. Ўзаро иқтисодий рақобат юзага келиб, харидоргир, сифатли товарлар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш кўлами кенгаймоқда. Четдан келтириладиган товарлар ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилишининг йўлга қўйилиши туфайли бозор ва дўконларимизда маҳаллий саноат маҳсулотларининг турлари кўпайиб бормоқда. Бу албатта, қувончли ҳолдир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбкорликнинг ўзаги ва энг мустаҳкам ҳаракатчан шакли бўлган оилавий бизнесни ривожлантириш учун банклар орқали берилаётган кредитларнинг салмоғи ошиб бормоқда. Олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига ҳам ўз бизнесини йўлга қўйиш учун имтиёзли кредитлар ажратилмоқда. Теран фикрловчи, келажакни кўра оладиган, иқтисодий ва ҳуқуқий билими етарли бўлган салоҳиятли ёшларимиз бунёдкорликнинг бу соҳасига ҳеч иккиланмай кириб, катта ютуқларга эришмоқдалар. Зотан, оила аъзоларининг биргаликдаги меҳнати эвазига юзага келган моддий неъматлар, етиштирилган маҳсулот ва ишлаб чиқарилган товарлар нафақат шу оиланинг моддий бойлиги, балки жамиятимиз миллий бойлигининг бир қисмидир.

Турдиали САПАРОВ,
ТДЮИ доценти

Коллежда давра суҳбати

Адлия вазирлиги ташаббуси билан Бухоро вилоятининг Когон туманидаги Маиший хизмат кўрсатиш коллежида Президентимиз илгари сурган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Концепцияда белгиланган давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш, демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш каби олтита устувор йўналишнинг мазмун-моҳияти мутахассислар томонидан батафсил шарҳлаб берилди. Айниқса, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш мақсадида амалга оширилиши лозим бўлган ташкилий-ҳуқуқий чоралар ижроси ва демократик ислоҳотлар муваффақияти кўп жиҳатдан фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқлиги, бу масала жамоатчилик вазифасига айланиши лозимлиги тўғрисидаги мулоҳазалар ёшларда катта таассурот қолдирди.

Шунингдек, тадбир давомида давлатимиз раҳбарининг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги "Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади" мавзусидаги маърузасига алоҳида эътибор қаратилди. Ёшларнинг ҳуқуқий билимини ошириш, уларнинг фикрлаш қобилиятини юксалтириш, таълим жараёнини янада такомиллаштириш, ўқувчиларни касбга тўғри йўналтириш, ёш кадрларни иш билан таъминлаш каби масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Давра суҳбати якунида фаол иштирок этган ёшларга ҳуқуқий саводхонликни оширишга қаратилган ҳуқуқий адабиётлар, эсдалик совғалари тақдим этилди.

М.ИМОМОВА,
Когон туман ФҲДЁ бўлими мудираси

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ корхона ва ташкилотларга КУРЬЕРЛИК хизматини таклиф этади
Телефон: (8 371) тел: 233-57-47; факс: 236-09-21
Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

Фикр

МИЛЛИЙ АХБОРОТ МАКОНИ — МАЪРИФАТ МАЙДОНИ

Мамлакатимизда бугунги кунда ОАВни ривожлантиришга, унинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Хусусан, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси, Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат Фонди, Электрон ОАВ Миллий ассоциацияси, Электрон ОАВни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Журналистларни қайта тайёрлаш Халқаро маркази каби ташкилотларнинг самарали фаолият кўрсатаётгани мамлакатимизда ахборот соҳасида нодавлат институтлар ва тузилмаларни ривожлантириш учун зарур барча шарт-шароитлардан унумли фойдаланилаётганидан далолатдир.



Бунинг самараси ўлароқ, ОАВ йилдан-йилга сон жиҳатдан ортиб, сифат жиҳатдан яхшиланиб бормоқда. Ҳозир мамлакатимизда 1226 оммавий ахборот воситаси фаолият кўрсатяпти. Республикамизда истиқомат қилаётган кўп миллатли муштарийларнинг талаб ва истаклари инобатга олинган ҳолда босма оммавий ахборот воситалари ўзбек тилидан ташқари яна 9 та тилда нашр этилмоқда, телевидение ва радиода ҳам бу амалиёт қўлланиляпти, эшиттириш ва кўрсатувлар рус, инглиз тилларида ҳам эфирга узатилиб, веб-сайтлар ўзбек, рус ва инглиз тилларида фаолият юритмоқда.

Бугун республикамиздаги оммавий ахборот воситалари кўлам жиҳатидан сиёсий-ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий, таълим-тарбия, хотин-қизлар, ижтимоий-маърифий, иқтисодий-ижтимоий, диний, спорт, маънавий-маърифий каби ўндан ортиқ қатламларни қамраб олаётгани алоҳида эътиборга лойиқ. "Халқ сўзи", "Ўзбекистон овози", "Маҳалла", "Туркистон", "Ўзбекистон тудэй", "Правда Востока", "XXI аср", "Жамият", "Тошкент ҳақиқати", "Ташкентская правда", "Тошкент оқшоми", "Вечерний Ташкент", "Андижонома", "Зарафшон" ва бошқа газеталар, "Тафаккур", "Жаҳон адабиёти", "Шарқ юлдузи", "Ёшлик" журналлари, "Ўзбекистон", "Ёшлар" телерадиоканаллари, "Машъал" радиоканали сингари кўпчиликнинг ҳурматини қозонган оммавий ахборот воситалари ўз фаолиятида жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётига таъсир кўрсатиш, турли нуқтаи назарлар воситасида ҳаётий ҳақиқатни оммага етказиш, ёшларнинг дунёқарашини шакллантиришга, ўз навбатида, "оммавий маданият" ниқоби остида аҳолининг кенг қатлами, биринчи навбатда, ёшларнинг онгини эгаллашга қаратилган уринишлар, ошкора ва пинҳона ахборот хуружларига қарши курашда миллий манфаатимизни ҳимоя қилишга диққат-эътибор қаратмоқда.

Демократик жамиятларда ўзаро манфаатлар кураши кўпинча оммавий ахборот воситалари иштирокида кечадиган ижтимоий жараёнлар бўлиб, улар жамият ривожланишини таъминловчи ижобий ҳодисадир. Жамиятдаги ўзаро зиддиятларнинг конструктив ҳал этилиши жамиятнинг маданиятга эришганлик даражасини ҳам белгилаб беради. Ҳаётдаги турли манфаатларнинг ўзаро зиддиятларини мувофиқлаштириш, келиштириш ёки ўзаро мувозанатлаштириш жараёнларида ОАВнинг ўрни беқиёсдир. Аслида матбуотнинг қудрати ҳам айнан шу — сўз ва ахборот воситасида фуқаролик жамиятига маънавий-ғоявий таъсирини ўтказа олиш қобилиятига эгалигида.

Мустақиллик даври матбуоти жамият янгиланаётган, ҳаёт янгича мазмун касб этаётган бир пайтда эркин сўз, ҳур фикр ва озод инсон тақдири билан боғлиқ бўлган ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий жараёнларга ҳозиржавоблик кўрсатиши зарур бўлган минбарга айланди. Янгиланаётган ҳаёт жараёнлари, ислоҳотларнинг ривожланиш босқичлари ва улар орқали янгиланаётган жамият қадриятлари мумкин қадар кенгроқ қамраб олинадиган ва ўз вақтида муносабат билдириладиган миллий ахборот маконига айланиши учун пухта замин ҳозирланди. Мустақилликнинг йигирма йили давомида мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш сиёсати олиб борилди. Журналистиканинг ҳуқуқий масалалари энг замонавий мавзуга айланди.

Президент Ислом Каримов 2009 йил "Ўзбекистон" нашриётида чоп этилган «Энг асосий мезон — ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш» номли рисоласида таъкидлаганидек, «Интернет тизими турли давлатлар ва минтақалар ўртасидаги чегараларни очиб бериб, ўзаро ҳамкорлик ва интеграция ривожига сўзсиз катта ҳисса қўшаётганига бугун барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз».

Дарҳақиқат, барча ривожланган демократик мамлакатларда жамоатчилик фикрини билдиришнинг одатдаги тури ва шакли қуйидагилардан иборат: ҳокимият органлари сайловлари, фуқароларнинг бошқарувдаги тўғридан-тўғри иштироки, матбуот ва бошқа оммавий коммуникация воситалари, мажлислар, манифестлар, билдиришлар ва бошқалар.

Буларнинг ҳаммаси сўз эркинлигининг илғор ифодачиси жаҳон интернет тизими билан боғлиқ. Мамлакатимизда ҳам бу йўналишда замон билан ҳамқадамлик ўз аксини топган. Бугунги кунда 8 миллиондан зиёд фуқароларимиз Интернет тизимидан фойдаланаётгани фикримиз далилидир.

ОАВнинг муҳим тармоғига айланган Интернет — жамоатчилик фикрини ўрганиш матбуотда эълон қилинган фикрлар ва фуқаролар билан тўғридан-тўғри алоқаларни ўрнатиш билан бир қаторда аҳолининг хоҳиши, умидлари, қутаётган истаклари ва принципиал нуқтаи назарларини ифодалашнинг муҳим манбаи ҳамдир.

Маълумки, машҳур сиёсатшунос Г.Ласуэлл ОАВнинг тўртта асосий вазифасини алоҳида кўрсатиб берган эди: 1. дунёга теран нигоҳ билан боқиш (ахборот йиғиш ва ёйиш); 2. умумхалқ фикрини шакллантириш; 3. муҳаррирлик (ахборотни танлаш ва таҳлил этиш); 4. маърифат ва маданиятни тарғиб этиш.

XXI аср бошларидан юртимизда ҳам жамият сиёсий соҳасини эркинлаштириш ислоҳотларининг бошланиши билан боғлиқ ҳолда ОАВ фаолиятини демократлаштиришга янада муҳим эътибор берилди. Хусусан, 2002 йил май ойидан ОАВ устидан ҳар қандай цензурани амалга ошириши мумкин бўлган бошқарув органлари бутунлай тугатилиши матбуотни эркинлаштириш соҳасида янги бир давр бошланишига сабаб бўлди.

Қисқа давр ичида оммавий ахборот воситаларининг эркин фаолияти учун ҳуқуқий асослар яратилди, унинг стратегияси, йўналиши, жамият ҳаётидаги ўрни белгиланди. Шунингдек, ОАВнинг жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантиришдаги ўрнига муҳим аҳамият берила бошланди. Фуқаролик жамиятида жамоатчилик фикри асосида шаклланган талаб ва таклифлар ҳокимият томонидан ўрганилади ва шу таклифлар асосида қабул қилинган қарорлар жамиятга тақдим этилди. Демократиянинг моҳияти ҳам жамиятни шу услубда бошқаришда намоён бўлади.

Матбуотнинг иқтисодий асосларини яратиш, уларнинг ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш ва мустақил нашрлар фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш миллий матбуот олдида турган энг долзарб масалардан бири сифатида ўрганилмоқда. Ривожланган демократик давлатлар тажрибасини ўрганиш, муассис ва таҳририят ўзаро муносабатларини янги босқичга кўтариш масалалари ҳам ўз ечимини топмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан ўтган йилнинг 12 ноябрь куни Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида илгари сурилган концепцияда таклиф этилган ахборот ва сўз эркинлигини янада такомил топиш жараёнлари босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотларнинг тадрижий-узвий давоми бўлади.

Бугун ижтимоий ҳаётимиздаги юз бераётган воқеа ва ҳодисалар, фан-техника ютуқлари Интернет орқали халқларни бир-бирига яқинлаштириб, янгиликлар 3-4 дақиқада бутун дунёга ёйилиши ҳам ахборотлар оқимига кескин таъсир кўрсатаётгани сир эмас. Бу ўзгаришлар оламида эса "ўзликни англаш", деган ғоянинг чин соҳибига айланишдек улуғ мақсад ётибди. Эркинлаштириш туфайли миллий ахборот макони кенгайиб бормоқда, бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бера оладиган мустақил нашрлар сони кенгайиб, рақобат муҳити пайдо бўляпти. Давлат фуқароларнинг жамият ва давлатни бошқариш борасидаги ҳуқуқ ҳамда эркинликларининг камситилишига йўл қўймаслиги, айни пайтда фуқаролар ҳам ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш жараёнида нафақат давлат ва жамиятнинг ҳуқуқ ва эркинликларига путур етказмасликлари, балки ОАВ ва "Интернет" тизимидаги ғайриқонуний ғоялардан ҳимоя қилиш мақсадида сиёсий қарашлар эркин ифодаланаётган ҳозирги шароитда тўғри сиёсий позицияни эгаллашлари ва сиёсий маданиятни шакллантириш йўлида тинмай изланишлари зарур. Зеро, машҳур адиб Достоевский таъбири билан айтганда "...авлодларни яхшилик ва гўзаллик куртакларисиз ҳаётга йўллаб бўлмайди". Миллий ахборот макони — маърифий майдонининг янада очиқлиги, эркинлиги эса фидойи, заҳматкаш, ижодкор зиёлиларга боғлиқ. Чунки зиёлилар соғлом дунёқараш учун, фуқаролар эса етук ахлоқ учун масъулдирлар.

Назира АБДУАЗИЗОВА,
тарих фанлари доктори,
профессор

Анъана

Ёши улуғ кишиларни эъзозлаш, меҳнат фахрийларига юксак ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш халқимизнинг азалий қадриятларидан бири ҳисобланади. Бу, айниқса, шу кунларда республикамизнинг барча ҳудудларида ташкил этилаётган тадбирларда яна бир бор намоён бўлаётир.

Фахрий журналистларга эҳтиром кўрсатилди

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамкорлигида ана шундай тадбирлардан бири бўлиб ўтди. Учрашувга Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари, миллий матбуотимиз ривожига катта ҳисса қўшган фахрий журналистлар таклиф этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов сўзга чиқиб, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда ОАВни изчил ва босқичма-босқич ислоҳ этиш, уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шароит ва имкониятларни яратиш, журналистлар меҳнатини рағбатлантириш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Шунингдек, тадбир давомида иштирокчилар томонидан журналистикага оид ўнга яқин қонун ҳужжатларининг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида соҳа изчил ривожланаётгани, таҳририятларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилаётгани, бу эзгу ишларда эса миллий оммавий ахборот воситалари ривожига муносиб ҳисса қўшган фахрий журналистларни эъзозлаш, аниқ ва манзилли ижтимоий ҳимоялаш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришга оид ишлар алоҳида ўрин тутиши борасида ҳам фикрлар билдирилди.

Тадбирда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва соҳада узоқ йиллар самарали меҳнат қилган журналистларга байрам совғалари топширилди.

Ризвоной НИЗОМОВА

Сарҳисоб

МАТБУОТ ХИЗМАТИ

жамоатчилик билан алоқаларнинг ишончли ва самарали воситаси

Фаол тарғиботчи бўлиш кўп жиҳатдан оммавий ахборот воситалари, кенг жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорликнинг мустаҳкам асосга қурилишига боғлиқ. Бу муҳим вазифани изчил амалга ошириш мақсадида 2010 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Матбуот котиби лавозими Матбуот хизматига айлантирилди. Шу аснода оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, депутатларнинг ОАВда чиқишларини ташкил этиш, энг асосийси, парламент қуйи палатасининг фаолияти ҳақида жамоатчиликка тезкор, холис ва кенг ахборот етказиш йўлга қўйилди.



Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисида сўзлаган маърузасида мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш борасидаги устувор вазифаларни белгилаб берар экан, фуқаролик жамиятининг муҳим институти бўлган оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини янада мустаҳкамлаш, уларга мамлакатимиз ички ҳамда ташқи сиёсатини янада фаолроқ ёритиш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Ушбу вазифадан келиб чиққан ҳолда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда нодавлат ташкилотлар орасида биринчи бўлиб Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузурида ОАВ вакилларини (журналистларни) аккредитация қилиш қоидалари ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Айни пайтда Қонунчилик палатаси ҳузурида телерадиоканаллар, газета ва журналлар, ахборот агентликлари ва интернет нашрлар таҳририятларининг жами 150 нафар ходими аккредитациядан ўтказилган. Журналистлар Қонунчилик палатасида ўтказиладиган тадбирларга доир барча ахборотлар билан мунтазам таъминланмоқда, соҳанинг етакчи олимлари, мутахассислар, депутатлар иштирокида махсус семинар-тренинг ва машғулотлар ўтказиб келинмоқда.

Натижада қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти тўғрисида кенг жамоатчиликка тезкор, аниқ ва батафсил ахборот бериш учун қулай имкониятлар яратилди. Хусусан, "Халқ сўзи" — "Народное слово", "Правда Востока" газеталари, партия нашрлари ва бошқа марказий ҳамда маҳаллий нашрларда Қонунчилик палатаси фаолиятига доир ахборотлар доимий равишда бериб борилишига эришилди. Ҳозирги пайтда уларда қонунчилик ташаббуси билан бевосита боғлиқ тадбирлар изчил ёритиб келиняпти. Масалан, биргина "Халқ сўзи" газетасида Қонунчилик палатаси қўмиталарида ўтказилган давра суҳбатлари, семинарлар ва бошқа тадбирлар ҳақида "Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади" рукни остида ўтган йил давомида 150 дан ортиқ тезкор ахборот ҳамда 70 га яқин таҳлилий мақолалар берилди. Ахборотларнинг аксарияти Матбуот хизмати томонидан тайёрлангани эътиборга молик.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, деярли барча марказий ва маҳаллий нашрларда парламент қуйи палатаси фаолиятини ёритишга бағишланган "Янги қонун лойиҳалари", "Янги қонунлар", "Парламент эшитуви", "Жараён", "Мушоҳада", "Ислоҳот" сингари махсус рукнлар ташкил этилган. Ушбу рукнлар остида чоп этилаётган материалларда, аввало, Президентимизнинг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" номли маърузасида белгиланган олтита устувор йўналиш асосида қўйилган талабларнинг қонун лойиҳаларида акс этишига асосий эътибор қаратилди. Сиёсий партияларнинг газеталаридаги чиқишларда эса муҳокама этилаётган қонун лойиҳаси ёки масаланинг моҳиятига тезкорлик билан ёндашув, фракциялар нуқтаи назари сезилиб турди. Бундан ташқари, «Uzbekistan today", "Жамият", "Моҳият", "Hurriyat", "Биржа", "Постда", "Хабар" ва бошқа бир қатор республика газеталарида парламент фаолиятидаги муайян соҳага доир мақолалар кўпайди.

"Ўзбекистон", "Ёшлар", "Пойтахт", "Ҳудуд", "Таҳлилнома" информацион дастурларида махсус блок ташкил этилди. Шунингдек, "Ўзбекистон" телеканалида "Парламент вақти", НТТда «Парламент соати", "Ёшлар" телеканалида "Давр мавзуси" кўрсатувларида парламент фаолиятининг турли йўналишларига — қонунлар қабул қилиниши жараёнлари, фракциялар ва қўмиталарнинг назорат-таҳлил ишлари, депутатларнинг сайловчилар билан учрашувларига доир ахборотлар бериб борилди. Яна бир муҳим янгилик — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қонун ижодкорлиги ва қонунлар ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларни кенг ёритиш мақсадида "Парламент соати" информацион кўрсатуви ток-шоу жанрига ўтказилди. 45 дақиқали кўрсатувнинг ҳар бир сони депутатлар иштирокида тайёрланиб, эфирга узатилмоқда ва жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотяпти.

Депутатларнинг қонун лойиҳалари муҳокамаси чоғида билдираётган таклиф ва мулоҳазалари, сайловчилар билан ўтказаётган учрашувлари ҳамда қўмиталарнинг назорат-таҳлил ишларига доир ахборотлар "Ўзбекистон", "Ёшлар", "Пойтахт", "Машъал" радиоканаллари орқали ҳам доимий равишда ёритиб борилмоқда. Хусусан, матбуот хизмати ташаббуси билан "Ўзбекистон" радиоканалида ташкил этилган "Парламент фаолияти" эшиттириши ўтган йили 46 марта эфирга узатилди. Унда 70 нафар депутат қатнашди.

Ҳисобот даврида Қонунчилик палатаси фаолиятини Интернет глобал тармоғи орқали ёритиш сезиларли даражада ошган. Чунончи, ҳар ойда ўртача 150 дан ортиқ чиқишлар қилинган. Қонунчилик палатасининг расмий веб-сайтида (www.parliament.uz) ҳам сифат, ҳам сон жиҳатдан сезиларли ўзгаришлар амалга оширилди. Расмий веб-сайтнинг 2010 йил ноябрь — декабрь ойларидаги ўсиш динамикаси 2009 йилнинг худди шу ойларига қиёслаганда умумий ҳисобда 79 фоизни ташкил этди. Бу эса давлат бошқаруви органлари сайти учун катта кўрсаткичдир.

Шу билан бирга, Қонунчилик палатасининг Интернетдаги манзилини янада такомиллаштириш мақсадида МДҲ ва Европарламентга аъзо давлатлар ҳамда Шарқий Осиё мамлакатларининг расмий веб-сайтлари ўрганилиб, шу асосда таклифлар тайёрланди. Айни вақтда сайтнинг янги дизайнга эга бўлиши устида амалий ишлар олиб борилмоқда.

Юртбошимиз Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида "Депутатларнинг сайлов округидаги фаолияти асосан шунчаки учрашувлар ташкил қилишдан иборат бўлиб қолган, таҳлилларнинг кўрсатишича, улар ҳам кўпинча номигагина ўтказилиб, фақат шикоят ва саволларга жавоб қайтариш билан чекланилган", дея танқидий муносабат билдирган эди. Ушбу дастурий маърузадан келиб чиқиб, депутатларнинг сайловчилар билан учрашувларини ОАВ орқали самарали ёритиш мақсадида медиа-режа ишлаб чиқилди. Унга кўра, ўтказилган барча тадбирлар ҳақида ОАВга маълумотлар тақдим этиб турилди ва депутатларнинг оммавий ахборот воситалари учун суҳбатлари уюштирилди ва ОАВда ёритиб борилди.

Ўтган даврда Қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил ишлари, қўмиталар ва фракциялар фаолияти, депутатларнинг округларда сайловчилар билан учрашувлари ҳақида маълумот берувчи рисола ўзбек, рус, инглиз тилларида нашр қилинди. Қонунчилик палатасида аккредитациядан ўтган журналистлар учун махсус қўлланма ҳамда депутатларнинг матбуотдаги чиқишларига доир тўплам чоп этилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ялпи мажлисларида қонунларнинг қабул қилиниши, қўмиталар ва ишчи гуруҳларида қонун лойиҳаларининг муҳокамаси жараёнида бўлиб ўтаётган фракцияларарo тортишувлар, баҳс-мунозаралар, парламентнинг назорат-таҳлил фаолияти нисбатан кам ёритилмоқда. Ваҳоланки, айни шу жараёнларнинг телевидение ва радио орқали тўғридан-тўғри кўрсатилиши ва эшиттирилиши, матбуотда кенг ёритилиши парламент фаолиятига ҳам, депутатлар фаоллигига ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиши шубҳасиз. Чунки парламент ҳаётидан тайёрланган долзарб, таъсирчан ва ижтимоий аҳамиятга молик материаллар аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, ҳуқуқий онги ва саводхонлигини оширади.

Олимжон ЎСАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА ОБУНА БЎЛИНГ!
Телефон: (8 371) 233-08-34 ,
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

ДУНЁДА НИМА ГАП?

Дараклар

«NABUCCO» ГАЗ ТАРМОҒИНИНГ НАРХИ ОШДИ

«Nabucco» газ тармоғи қурилиши қайта баҳоланганда сўнг унинг нархи икки баравар қимматлашди, дея хабар беради «Reuters» ахборот агентлиги.

Лойиҳа ишларини тугатиш учун инвестиция ҳажми илгари кўзда тутилганидек 7,9 миллиард евро эмас, балки 12-15 миллиард еврони ташкил этди. «Nabucco» лойиҳасига маблағ сарфлаган айрим ҳамкорлар бунга қарши чиқиб, қайтадан баҳолаш ўтказилиши лозимлигини билдиришпти. Агар истак қондириладиган бўлса, инвестицион ечим топиш муаммоси келаси йилга қадар қолдирилиши мумкин.

ЕИ «Nabucco» лойиҳасини иттифоқнинг Россия газига бўлган тобелигини камайтиришга ёрдам берадиган стратегик лойиҳа сифатида кўрмоқда. Газ қувурининг умумий ўтказиш қуввати 31 миллиард кубометрни ташкил этади. Лойиҳа бўйича биринчи босқичда Европага 17 миллиард кубометр ёнилғи етказиб берилиши лозим.

ТЕМИР ЙЎЛЛАР УЧУН 115 МИЛЛИАРД ДОЛЛАР

Хитой мамлакатдаги темир йўл тизимини ривожлантириш учун 745,5 миллиарда юан (115 миллиард АҚШ доллари) миқдорида маблағ сарфламоқчи.



«Синьхуа» ахборот агентлигининг қайд этишича, сармоянинг асосий қисми янги темир йўллар қурилишига сарфланади. Аниқроғи, бунинг учун 600 миллиард юан (100 миллиард доллар) ажратилади.

Умуман олганда, чин юртида 2011-2015 йилларда темир йўл тармоғини 120 минг километрга узайтириш режалаштирилмоқда. Бу йўлларнинг 45 минг километрида тезюрар поездлар қатнови йўлга қўйилади.

САММИТ ИШ БОШЛАДИ

Туркиянинг Истамбул шаҳрида камбағал давлатлар иштирокидаги саммит ўз ишини бошлади. Хориж оммавий ахборот воситаларининг хабар беришича, анжуман БМТ шафеълигида ўтказилмоқда.



Саммитда дунёдаги 48 та давлат раҳбарлари қатнашмоқда. Уларнинг 33 таси Африка давлатлари вакилларидир.

Анжуманда камбағал давлатларнинг кейинги ўн йиллик ривожланиш истиқболлари муҳокама қилинади. Чет эл оммавий ахборот воситаларида айтилишича, саммитнинг очилиш маросимида БМТ Бош котиби Пан Ги Мун сўзга чиқиб, мазкур давлатлар олдида турган энг муҳим вазифалардан бири очарчилик ва ижтимоий беқарорликка қарши тезкор ва самарали чора-тадбирларни кўриш лозимлигини таъкидлаган.

РЕКОРД КЎРСАТКИЧ

Германияда жорий йилнинг март ойида экспорт ҳажми 98,3 миллиард еврони ташкил этди. Бу 1950 йилдан буён кузатилмаган рекорд кўрсаткичдир. Мамлакат федерал статистика бюросининг расмий пресс-релизида ана шундай хабар тарқатилган.

«The Wall Street Journal»нинг эътироф этишича, март ойида экспорт ҳажми 7,3 фоизга ўсган. Февраль ойида эса ушбу кўрсаткич бор-йўғи 2,7 фоизни ташкил қилганди.



Эслатиб ўтамиз, Германия дунёдаги энг йирик экспорт қилувчи мамлакатлардан бири ҳисобланади.

НАРКОМАФИЯГА ҚАРШИ НАМОЙИШ

8 май куни Мехикода бир неча ўн минглаб одамлар наркомафия зулмига қарши норозилик намойишида иштирок этди. Бу ҳақда «France-Presse» агентлиги хабар тарқатди.

«Тинчлик учун марш, хавфсизлик ва адолатлилик» номини олган намойиш пайшанба куни Куэрнавака шаҳрида бошланди. Якшанба куни намойиш иштирокчилари Мексика пойтахтига етиб келишди ва тинчлик сақлаган ҳолда кўчалардан ўтишди. Полициянинг фикрича, кун ярмига келиб қатнашчилар сони 24 мингни ташкил этган. Баъзи маълумотларга кўра, мазкур акцияда ҳаммаси бўлиб 85 минг киши қатнашган.

«France-Presse» агентлигининг таъкидлашича, 2006 йилнинг декабридан 2010 йилнинг декабригача жиноятчилар ва ҳуқуқ-тартибот органлари ўртасида бўлган тўқнашувларда 34 минг 600 киши ҳалок бўлган.

ХЕЙЛА-БОППА СУРАТГА ОЛИНДИ

АҚШлик ва болгариялик астрономлар гуруҳи қуёшдан рекорд даражада — 30,7 астрономик бирлик узоқлашган кометанинг суратини олишди. Аввалги рекорд натижа ҳам шу кометага тегишли бўлиб, у 25,7 астрономик бирликни ташкил этган.



Гап Хейла-Боппа кометаси тўғрисида кетяпти. Бу комета 1995 йилда кашф этилган бўлиб, 1997 йили у қуёшга жуда яқин келган. Ўшанда кометани 18 ой мобайнида бемалол кўриш мумкин бўлган.

Дарвоқе, тадқиқотчилар кометанинг сиртидаги ҳароратни ўлчашга муваффақ бўлдилар – 50,1 кельвин.

БАХТ ГЕНИ ТОПИЛДИ

Инсондаги бахтиёрлик ҳиссига 5-HTTLPR гени сабаб бўлишини исботловчи янги далиллар пайдо бўлди, деб ёзади Газета.Ru. Бироқ инсон ўзининг ҳаётидан мамнун бўлишига фақатгина ген эмас, балки бир қатор бошқа омиллар ҳам таъсир қилади.

Аввалроқ олимлар томонидан алкоголизмга мойиллик, узоқ умр кўриш, соч тўкилиши, диабетга мойиллик генлари кашф этилган эди. «Journal of Human Genetics» журналида чоп этилган мақолада эса «бахт гени» топилгани ҳақида ёзилган. Мақола муаллифларидан бири, Лондон иқтисодиёт мактаби ўқитувчиси Ян-Эммануэль де Невенинг айтишича, олимлар томонидан ўтказилган тажрибада 2574 нафар ўсмир қатнашган. Анкетадаги саволлардан бирида «Сиз ўз ҳаётингиздан мамнунмисиз?» деб ёзилган. Де Неве ва унинг ҳамкасблари иштирокчиларнинг ана шу саволга жавоблари ва 5-HTTLPR генининг вариацияси ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлашган.

Олимлар илгари ҳам мазкур геннинг ўзгарувчанлиги мияда «хурсандчилик гормони» бўлмиш серотонин фаолиятига таъсир кўрсатишини тахмин қилишганди. Агар инсондаги бу геннинг вариацияси «узун» бўлса, серотонин таъсирига тез берилувчан бўлади. Ана шунда киши ўзини бахтли ҳис этади. Аксинча, 5-HTTLPR геннинг вариацияси «қисқа» бўлса, у одам пессимизмга мойил бўлади.

БОЛАЛАР УЙҚУДА ТЕЗ ЎСАДИЛАР

Америкалик олимлар болалар уйқуларида ўсадилар, деган тахминни исботладилар. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, кичкинтой уйқучилар ҳақиқатан ҳам тез ўсар экан.

Маълум бўлишича, кундузги бедорлик вақтига қараганда тунги уйқу даврида болалар бўйининг ўсиш суръати ўртача 43 фоизга юқори бўларкан. Бу, айниқса, қиз болаларда яққол намоён бўлади. Бироқ шифокорларнинг огоҳлантиришларича, уйқунинг давомийлиги нафақат бўй ўсишига, балки вазннинг ҳам ортиб боришига сабаб бўлиши мумкин.

Олимлар «Нима учун тунги ором вақтида инсон бўйининг ўсишида масъул механизмлар фаол ишлайди?» деган саволга тўлиқ жавоб топа олмадилар. Шу сабабли мазкур йўналишдаги тадқиқотлар давом эттирилмоқда.

АЭСлар ЁПИЛАДИМИ?

Бельгиянинг иккита йирик атом электр станцияси 2015 йилда ўз фаолиятини тўхтатиши мумкин. Маҳаллий оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида мамлакат энергетика вазири Поль Маньетт «Дуль-1» ва «Дуль-2» АЭСлари ёпилиши эҳтимоли борлигини айтиб ўтган.

Таъкидлаш лозимки, иккала АЭС ҳам 1975 йилда фойдаланишга топширилган бўлиб, улардан 40 йил давомида фойдаланиш кўзда тутилган. Аммо 2009 йили Бельгия ҳукумати мазкур атом электр станциялари умрини 10 йилга «узайтиришга» қарор қилган. Чунки ўша пайтда мамлакатда электр энергиясига бўлган талаб кескин ошиб кетганди.

Японияниг «Фукусима-1» АЭСидаги ҳалокат сабабли эски, ўз умрини ўтаб бўлган атом электр станциялари фаолиятини тўхтатиш мавзуси яна ўртага ташланган кўринади.

Бельгияда ҳозирги вақтда 7 та АЭС ишлаб турибди. Улар мамлакат электр энергиясининг 60 фоизини ишлаб чиқариш қувватига эга.

КИМ КЎП ОЙЛИК ОЛАДИ?

«The Wall Street Journal»нинг ёзишича, АҚШнинг «Viacom» медиакорпорацияси президенти Филипп Дауман мамлакатдаги йирик компаниялар раҳбарлари орасида энг кўп маош олади. У охирги 12 ой ичида оз эмас, кўп эмас, накд 84,3 миллиард доллар миқдорида маош олган.

Кейинги ўринни Ларри Эллисон эгаллаган. «Oracle» корпорацияси ижрочи директорининг бир йиллик иш ҳақи 68,7 миллион долларни ташкил этган. Рўйхатнинг учинчи поғонасида эса CBS телевизион корпорацияси бошлиғи Лесли Мунвес турибди. Унинг «камтарона» маоши 53,9 миллионга етган.

Таъкидлаш жоизки, рўйхатнинг дастлабки ўнлигига тўрт нафар медиахолдинг рахбари ҳам киритилган. Умуман мазкур рўйхатдан 350 нафар киши жой олган.

Дунё матбуоти саҳифаларида

«Rzeczpospolita» (Польша)

«ШИМОЛИЙ ОҚИМ»ДАН КИМ МАНФААТДОР?

«Газпром» ўз мавқеини тобора мустаҳкамлаб бормоқда. Бунга компаниянинг "Шимолий оқим" газ тармоғидаги қурилиш ишларини бир қатор немис компанияларининг ёрдами туфайли тез тугатгани сабаб бўлмоқда. Шу сабабли «Газпром» шу йилнинг ноябрь ойидан бошлаб Ғарбга йилига 27 миллиард кубометр газ экспорт қилиш имкониятига эга бўлади. Бу ҳақда Польшанинг «Rzeczpospolita» нашрида эълон қилинган мақолада қайд этилган.

Муаллиф Агнешка Лакоманинг ёзишича, "Шимолий оқим" газ тармоғининг Россиядан Болтиқ денгизи орқали Германияга келтирилиши сўнгги йилларда Европадаги энг мунозарали инвестициялардан биридир. Чунки бу лойиҳа ўша ерда яшовчи аҳолининг манфаатларини ўйламасдан, қолаверса, атроф-муҳитга таъсири ҳисобга олинмасдан амалга оширилди.

Гап фақат экспорт ҳажмини кўпайтириш борасида кетса, қайд этиш мумкинки, газ Германияга Россиядан Белорусь ва Польша орқали келтирилаётганига нисбатан анча арзон бўлади. Аммо экспертларнинг фикрича, бунга фақат 2012 йилда қуриб битирилиши лозим бўлган иккинчи йўналиш фойдаланишга топширилгандан сўнг эришиш мумкин.

Trend News Agency (Озарбайжон)

ЭРОН «БУШЕР»ДАН ВОЗ КЕЧИШИ КЕРАК

«Бушер» атом электр станциясининг хавфсизлиги Эроннинг ядро ишлаб чиқаришни тартибга солишга қўшилмаслиги бутун ҳамжамиятни ташвишлантирмоқда, — дейди МАГАТЭнинг доимий элчиси Флоранс Манжан Озарбайжоннинг «Trend News Agency»га берган интервьюсида. — Биз Эронни «Бушер» атом электр станциясидан воз кечишга чорлаймиз.

news agency TREND www.trend.az

Ахир бу бутун атроф-муҳитга, инфратузилмага хавф солади. Ҳозирча дунёда фақат Эрон ядро хавфсизлиги бўйича конвенцияга имзо чекмасдан туриб АЭСларни ишлатаётган ягона давлат ҳисобланади».

«Бушер» АЭС нафақат Эрондаги, балки Яқин Шарқдаги биринчи атом электр станцияси ҳисобланади. У Германия «Kraftwerk Union» концерни билан ҳамкорликда 1957 йилда қурила бошланганди. Аммо 1980 йилда АҚШнинг аралашуви билан қурилиш тўхтатилган. 1992 йилнинг 25 августида эса Россия ва Эрон ўртасида мазкур АЭС қурилишини давом эттириш борасида келишувга эришилган. 1995 йилнинг январь ойида биринчи электр ишлаб чиқарувчи станциянинг қуриб битказилиши муносабати билан ҳажми бир миллиард долларлик шартнома имзоланган. 1998 йилдан бошлаб қурилиш ишларини назорат қилиш «Атомстройэкспорт» компанияси ихтиёрига ўтказилган.

Флоранс Манжаннинг сўзларига кўра, Японияниг «Фукусима-1» атом электр станциясида содир бўлган фожиа эронликларга сабоқ бўлиши керак.

«The Guardian» (Буюк Британия)

СУРИЯДА АҲВОЛ ОҒИРЛАШМОҚДА

«The Guardian» газетасида Сурия президенти Башар Асад яна қамал қилиш амалиётини қўллашидан хавотир билдирилган мақола эълон қилинди. Унда баён қилинишича, ўтган шанба куни Ўрта ер денгизи соҳилидаги Банияс шаҳарчасига ҳукуматга тегишли ҳарбий танклар ҳужум қилган. Натижада 30 киши ҳалок бўлган.

Маълумотларга қараганда, Сурия режими тарафдорлари намойишда қатнашган ва кейинчалик қочишга уринган тўрт нафар аёлни ҳам отиб ўлдирганлар. Шунингдек, газетада маҳаллий аҳоли билан қилинган суҳбатлар ҳам чоп этилган.

— Шаҳарнинг барча томони қуролланган кишилар билан ўраб олинди, — дейди мухбир билан суҳбатда Баниясда яшовчи фуқаролардан бири. — У ерга на киришнинг, на чиқишнинг иложи бор. Барча электр симлари ва телефон линиялари узиб қўйилди. Одамлар мобиль телефонларини автомашиналарнинг аккумуляторлари ёрдамида қувватлантирмоқда.

«Popular Science» (Англия)

КЕЛАЖАК ИХТИРОЛАРИ

«Popular Science» илмий-оммавий журнали 2020 йилгача дунёда бўладиган оламшумул янгиликлар рўйхатини эълон қилди. Унга кўра, японлар томонидан ойда автоматик станция қурилади. Иккинчи янгилик шуки, жаҳон иқтисодиётида Хитой муҳим ўрин эгаллаб, Европа ва Осиё ўртасида алоқалар янада жадаллашишига замин яратади. Энг асосийси, Лондон ва Пекин шаҳарлари ўртасида тезюрар поезд йўли қурилади.

Кейинги икки янгилик автомобиль олами билан боғлиқ. Бугунги кунда бармоқ билан санагулик автоҳайдовчи билан бошқариладиган автомобиллар сони бир неча миллиондан ошади. Шунингдек, учар автомашиналар ихтиро қилинади.

Қолаверса, журнал ходимлари томонидан яна тўққиз йилдан кейин космик туризм ривожланиши ҳам эътироф этилган. Яъни Ер орбитаси бўйлаб ва Ойга сафарлар оддий ҳолга айланади.

Мутахассислар энг қизиқ тахминни компьютерлар борасида билдиришган. Келаси авлод компьютерларининг иш бажариш функцияси деярли инсон мияси билан бир хил даражада ишлай бошлайди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ «ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати ПОЧТА АЛОҚАСИ хизматларидан фойдаланинг!
Телефон: (8 371) 237-21-93; 237-16-24
Сайт: www.pochta.uz, E.mail: oao@post.uz

Кечиктирилмайдиган вазифа

Шартнома ижроси коллеж битирувчисининг иш билан бандлигини кафолатлайдими?

Кафолатлаши лозим. Негаки, Касб-ҳунар коллежларининг битирувчиларини иш билан таъминлаш бўйича тузилган шериклик шартномаси уч томонлама имзоланган бўлиб, битирувчи, коллеж ва корхонанинг мажбуриятларини ўзида акс эттирадиган ҳуқуқий ҳужжатдир.

Хусусан, таълим муассасаси ўз битирувчисининг малакали кичик мутахассис эканини кафолатлайди. Корхона эса коллежни муваффақиятли битириб келган, амалиёт жараёнида малака комиссияси томонидан маъқул топилган битирувчини ўз мутахассислиги бўйича доимий ишга қабул қилади. Шартнома мажбуриятларида кўрсатилган талабларга жавоб беролмаган, билим, малака ва савияси қониқарсиз бўлган битирувчилар эса бошқа бўш иш жойларига жалб қилинади. Кўриниб турибдики, ҳеч бир гинакудуратга ўрин йўқ. Яхши ўқит, яхши ўқи, мазза қилиб ишла...

Бу йил Фарғона вилоятидаги 156 та касб-ҳунар коллежининг 118 тасида 43848 нафар ўқувчи турли йўналишлар бўйича ёш мутахассислик мақомига эга бўлишяпти. Қолган 38 та илм маскани эса келгуси йиллардан бошлаб ўз полапонларини "учирма" қилишади. Буни ҳисобга олган вилоят ҳокимлиги жорий йилнинг бошидаёқ коллежлар битирувчиларини иш билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида махсус қарор қабул қилди. Унга кўра, касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг билимларини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирокини таъминлаш йўли билан амалий кўникмалар ҳосил қилиши борасида корхона, ташкилот, муассасаларда амалиёт ўтказиш ва уларни кафолатланган иш ўринларига жойлаштириш дастури тайёрланди.

Дастурни амалга ошириш механизми ҳам ишга туширилиб, унинг ижроси алоҳида назоратга олинди. Ҳокимлик ҳузуридаги ўрта махсус, касб-ҳунар коллежлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи жамоатчилик кенгаши белгиланган вазифалар қай даражада бажарилаётганини изчил таҳлил қилиб бормоқда.

Тан олмоқ жоизки, бу масалага вилоят ҳокимлигининг жиддий ёндашаётгани ҳамда вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси раҳбариятининг принципиал саъй-ҳаракати туфайли ижобий ўзгаришлар кўлами тобора кенгаймоқда. Айни пайтда бўлғуси кичик мутахассис кадрларни иш билан таъминлаш бўйича тузилган шериклик шартномалари қарийб 93 фоизни ташкил этаётгани фикримиз тасдиғидир. Тўғри, бундай ҳаракатлар аввалги йилларда ҳам олиб борилган. Бироқ мутасаддиларнинг қоғоз тўлдиришдан нарига ўтмагани боис, кўплаб битирувчи ёшлар ишсиз қолгандилар.

Ҳозирги пайтда юқорида тилга олиб ўтилган дастурининг 1 июлгача давом этадиган иккинчи босқичида назарда тутилган вазифалар ижросини таъминлаш устида жиддий иш олиб бориляпти. Бу муддат ичида корхоналар ва коллежлар ўртасида шериклик битимлари тузилади, тижорат банклари томонидан битирувчиларга бериладиган кредитлар миқдори аниқланади, битирувчилар сони ва мавжуд иш ўринлари таркибидаги мутахассисликлар таққосланади, аниқланган тафовутларни бартараф этиш чоралари кўрилади.

Учинчи босқичда (2011 йил 1 октябргача) эса битирувчилар иш билан таъминланадилар, битирувчиларни ишга қабул қилган корхоналар (иш жойлари) рағбатлантирилади.

Модомики, гап битирувчини иш билан таъминлаш устида бораркан, унинг кафолати уч томонлама тузилган шериклик шартномаси қай даражада асосли ва тўлақонли эканига ҳамда кўп жиҳатдан шартномаларнинг ижро интизомига боғлиқдир.

Республика Олий Мажлиси Сенати аъзоси Раҳимахон Қўрғонова раҳбарлик қилаётган Бувайда педагогика коллежи фаолиятида бир ажойиб анъана шаклланган. Бу ерда битирувчиларни ишга жойлаштириш бўйича шартномалар "мавсуми"ни кутиб ўтирмайдилар. Иш берувчилар билан ҳамкорлик бутун ўқув йили давомида олиб борилади. Коллеж маъмурияти тумандаги барча таълим муассасаларининг кадрларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда шериклик шартномалари пойдеворини олдиндан мустаҳкамлаб борадилар. Натижада битирувчининг амалиётга чиқиш ва иш ўрнини эгаллаши билан боғлиқ ҳар бир шартнома пишиқ-пухта ва кафолатли тарзда расмийлашган бўлади.

Худди шу каби самарабахш иш тажрибаларини Қўқон, Марғилон ва Фарғона шаҳарлари педагогика коллежлари фаолиятида ҳам кўриш мумкин. Аммо, афсуски, айрим коллежлар фаолиятида долзарб масалаларга эътиборсизлик, вақтни қадрламаслик ёхуд ношудлик ҳолларига дуч келамиз. Ўқув йили охирлаб, "дўппи тор"лик қилиб қолганда эса саросимага тушадилар ва "бир амаллаб вазияттдан қутулиб қолиш" йўлларини излай бошлайдилар.

Бағдод педагогика коллежи таълим сифати юқори бўлган муассасалардан бири. Бу даргоҳнинг ўзига хос нуфузи, обрў-эътибори бор. Бироқ коллежнинг бу йилги иш берувчилар билан тузган шартномаларини кўздан кечирарканмиз, йўл қўйилган жиддий қусурлардан афсусландик. Коллеж "папка"ларини семиртириб турган шартномаларнинг маълум миқдори жамоанинг бевосита масъул ходимлари иштирокида эмас, балки битирувчиларнинг ўзлари ёки ота-оналарнинг югур-югури ва илтимослари билан пала-партиш тузилгани кўриниб турибди. Ачинарлиси шундаки, амалиёт ҳамда ишга жойлаштириш бўйича бир қатор умумтаълим мактаблари билан бир нечтадан шартнома тузилган. Ана шу мактабларнинг директорларидан айримларига сўз берайлик:

И.СОДИҚОВ, Бағдод туманидаги 20-мактаб директори:

— Биз Бағдод педагогика коллежи битирувчиларини бўш иш ўринлари билан таъминлаш бўйича жами бешта шартнома тузганмиз, холос. Бу шартнома бланкаларини амалиёт даврида битирувчиларнинг ўзлари олиб келишган ва биз тасдиқлаб берган эдик.

З.ҚЎЧҚОРОВ, Бағдод туманидаги 21-мактаб директори:

— Биз Бағдод педагогика коллежи билан битирувчиларга иш ўрни яратиш бўйича биронта ҳам шартнома тузмаганмиз. Фақат амалиёт ўтказиш учун тўртта шартномага имзо чекканман. Бу шартномалар бир нусхадан бўлиб, уларни коллеж вакили яна қайтариб олиб кетган.

М.МИРАҲМЕДОВ, Учкўприк туманидаги 20-мактаб директори:

— Мен Бағдод педагогика коллежи билан жами саккизта шартномага имзо чекканман. Аслида бизда умуман ишга жойлаштириш имконияти йўқ.

А.ТИЛЛАЕВ, Учкўприк туманидаги 21-мактаб директори:

— Бағдод педагогика коллежи битирувчиларидан 33 нафарини иш билан таъминлаш бўйича шартномага имзо чекканмиз. Илтимос қилишувди, йўқ деёлмадик. Лекин бизда биронтаям бўш иш ўрни йўқ. Яна бир гап: қўлимизда 24 та шартнома сақланган. Қолган тўққизтаси бир нусхадан эди, ўзлари олиб кетишган.

Ана энди Бағдод педагогика коллежи томонидан 2010-2011 ўқув йилидаги битирувчилар ҳақида берилган расмий ҳисобот бўйича юқорида тилга олинган мактаблар билан тузилган шартномалар миқдорига эътибор берайлик: биринчиси билан 6 та, иккинчиси билан 7 та, учинчиси билан 12 та, тўртинчиси билан 34 та!

Борингки, коллеж маъмурияти имкониятларни ҳисобга олмаган ҳолда мактабларга меъёрдан ортиқ шартномаларни тиқиштириб, нодуруст иш қилибди, дейлик. Бироқ ана шу шартномаларга унинг пировард тақдирини ўйламай-нетмай имзо чекиб, муҳр босиб берган мактаб директорлари нега энди ўзларини айбсиз ҳисоблаб туришганига ажабланасиз. Кичик мутахассисга иш бериш имконияти йўқ экан, коллежниям, битирувчи ёшларниям чалғитмаслик лозим эмасмиди?..

Яқинда вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган "Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарор ижросига бағишланган йиғилишда ҳам шу сингари бир қатор қусурларга тўхталиб ўтилди. Масалан, Риштон ва Бувайда туманларидаги айрим касб-ҳунар коллежларида ижобий силжишлар билан бирга давомат ва таълим сифатининг пастлиги, шартномаларнинг барчаси ҳам тўлақонли эмаслиги қайд этилди. Бу хилдаги нуқсонлар вилоятнинг бошқа туманларида, айниқса, ишлаб чиқариш корхоналари мавжуд бўлмаган жойлардаги касб-ҳунар коллежлари фаолиятида кўпроқ учраётгани сир эмас.

Хулоса шуки, олдинда кечиктирмай ҳал қилиниши лозим бўлган вазифалар турибди. Боз устига, кўз юмиб-очгунча янги ўқув йили ҳам эшик қоқиб қолади...

Солиҳ ҚАҲҲОРОВ,
"Hurriyat" мухбири

Одам савдоси — аср муаммоси

Шоҳона ҳаётни орзу қилиб,

Глобаллашув асри илм-фаннинг мислсиз имкониятлари билан бирга башариятга долзарб муаммоларни ҳам «ҳадя» этди. Минтақавий зиддиятлар, халқаро терроризм, наркобизнес ва одам савдоси бугун инсоният олдида турган ана шундай муаммолардандир. Айниқса, одам савдоси билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш, унинг олдини олиш, одамларни, шу жумладан, хотин-қизлар ва болаларни бу мудҳиш иллат таъсиридан асраш бугунги ва эртанги ҳаётимиз билан боғлиқ энг муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда.



Дарҳақиқат, бугунги кунга келиб одам савдоси трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг таркибий қисмига айланди. БМТ ва Миграция бўйича халқаро ташкилот мутахассисларининг таҳлилига қараганда, ундан жабр кўрганлар сони миллионларни ташкил қилади. Ҳар йили минглаб эркак, аёл ва болалар турли давлатлар чегараларини кесиб ўтиб, бевосита ёки билвосита қилинадиган зўрлик ёки унинг таҳдиди остида савдо ҳамда эксплуатациянинг объекти бўлиб қолмоқда.

Дунёнинг бошқа давлатлари қатори Ўзбекистон ҳам уюшган жиноятчилик, айниқса, одам савдоси ва унинг жирканч оқибатларини бартараф этиш мақсадида хорижий давлатлар билан 29 та шартнома ва битимлар имзолаган. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенцияси» ҳамда мазкур конвенцияни тўлдирувчи «Одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақида»ги Протокол ратификация қилинган. 2008 йил 17 апрелда «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши эса бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Айни пайтда юртимизда давлат, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг тегишли фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идороларарo комиссияси фаолият олиб бормоқда.

Буларнинг барчаси юртимизда одам савдосига қарши курашиш, уни бартараф қилиш бўйича аниқ мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириш имконини бермоқда. Шу билан бирга, хорижда меҳнат қилиш истагида бўлган фуқаролар учун етарли шарт-шароитлар яратиб берилаётир.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги 505-сонли қарорига асосан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузурида Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ҳамда Тошкент, Фарғона, Қарши, Нукус, Бухоро шаҳарларида Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги минтақавий Бюролар фаолият кўрсатиб келмоқда. Уларнинг асосий вазифалари меҳнат миграцияси соҳасидаги халқаро ҳамкорлик лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси фуқароларини чет элларда ва хорижий фуқароларни Ўзбекистон Республикасида ишга жойлаштириш учун квоталар ажратиш, рухсатномалар бериш масалалари бўйича хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан ҳамкорлик қилиш, фуқароларимизнинг чет эллардаги, хорижликларнинг юртимиздаги меҳнат фаолиятини мувофиқлаштириб боришдан иборат. Шунингдек, ушбу Агентлик ва Бюролар томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқароларини чет элда ишга жойлашишига кўмаклашиш, уларнинг чет элда ишга жойлашиш имкониятлари ва шарт-шароитлари тўғрисидаги ахборот билан таъминлаш йўлга қўйилган. Жойларда «Ишонч» телефонлари ташкил этилган бўлиб, улар орқали фуқаролар таклиф этилаётган иш жойининг қонунийлиги ва хорижий иш берувчилар тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлишлари мумкин.

Шунга қарамай, халқаро уюшган жиноий гуруҳларнинг яширин иқтисодий даромад манбаига айланган бу мудҳиш жиноят бизнинг юртимизни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Айрим одамларнинг, айниқса, ёшларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билмаслиги бунга сабаб бўлмоқда. Бу эса одам савдоси билан шуғулланувчи кимсаларга қўл келяпти. Улар хорижда даромадли иш ваъда қилиб, содда кишиларни осонгина тузоқларига туширишмоқда.

Ноқонуний йўл билан хорижга пул ишлаш илинжида йўл олганлар билан суҳбатлашар экансиз, уларнинг сўзида туганмас дард, чексиз пушаймонлик борлигига амин бўласиз.

— Танишларимдан Ёқутистонда иш борлигини эшитиб қолдим, — дейди Жиззах вилоятининг Зомин туманида яшовчи Зафар Шарипов. — Ойлик маоши ҳам чакки эмас экан. Аммо бизда бўлғуси иш жойимиз ҳақида шундан бошқа ҳеч қандай маълумот йўқ эди. Хуллас, 5-6 нафар ҳамқишлоқларим билан ўша ерга йўл олдик. У ерда бир амаллаб иш топдик. Иш берувчи бизга 400 доллар маош, яхши шарт-шароитлар яратиб беришини билдирди. Биз рози бўлгач, паспортларимизни олиб қўйишди. Ҳамма бир хонада ётиб турар, иссиқ сув уёқда турсин, ҳатто совуқ сув топиш ҳам муаммо эди. Ҳаммасига чидадик, аммо «хўжайин»лар ваъда қилинган иш ҳақини тўлашни эсларига ҳам олишмади. Охири бўлмади, шерикларим билан ўз юртимизга қочишга мажбур бўлдик. Лекин Иркутск шаҳрида миграция хизмати ходимлари қўлига тушдик ва судландик. Суд қарори билан ҳар биримизга 4000 рублдан жарима солиниб депорт қилиндик. Не-не азоб-уқубатларда топган пулларимиз ҳавога учди. Афтода ҳолда, шармандалик билан қишлоғимизга қайтдик...

Ҳа, бу нидоли сўзлар ақли расо ҳеч бир инсонни ўйлантирмай қўймайди. Шу маънода енгил, шоҳона ҳаётни орзу қилиб, турли йўллар билан хорижга интилмаслик, жиноятчилар тузоғига тушиб, сўнг афсуснадомат қилмаслик учун огоҳ бўлиш ва ён атрофдагиларни ҳам бунга чорламоқ бизнинг бурчимиз. Зеро, ҳар қандай жиноятга қарши кураш, энг аввало, ҳар бир инсоннинг ўз тақдири, ҳаётига бефарқ бўлмаслиги, ҳамиша ҳушёр ва огоҳ бўлишидан бошланади.

У.НАЗАРОВ,
Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича Тошкент минтақавий бюроси директори

	«Ишонч» телефонлари рақами	*Интернет сайтлари*
Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги	8(371) 214-34-85 8(371) 214-54-36	www.migration.uz
Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича Тошкент минтақавий бюроси	8(371) 214-89-25	www.trb.uz

Қабоҳат тўрига тушганлар

Ҳаммаси касалхонада бошланганди. Жияни билан бирга даволанаётган Навбаҳор (исмлар ўзгартирилган), ўша ердаги беморлардан бири — Бону деган қиз билан танишиб қолди. Хушчақчақ, бир зумда кишининг ичига кириб кетадиган бу қиз унинг моддий жиҳатдан қийналаётганини, яхши ва тайинли иш бўлса, ишлашга хоҳиши борлигини эшитгач, гап орасида бир таниши хорижда ишлашини қистириб ўтди. Бу гаплардан Навбаҳорнинг ичига ўт тушди. Аммо у ҳали ёлғон ваъдаларга алданиб, қабоҳат тўри томон яқинлашаётганини билмасди...

2010 йилнинг 17 октябрь куни Навбаҳор Тошкент шаҳрининг, «Буюк ипак йўли» метро бекати ёнида Бонунинг «таниши» Диля билан учрашди. Асл исми Дилафрўз бўлган бу аёл Навбаҳорга Исроилдаги кафе ва ресторанларда официант бўлиб ишлаши мумкинлигини, маоши ҳафтасига 2 мингдан 3 минг АҚШ долларигача эканини тушунтирди. Навбаҳор бу «ширин» гапларга учиб, розилик билдиргач, улар Дилафрўзнинг ТТЗ-1 мавзесидаги уйига бордилар.

Кейинги ишлар ҳамирдан кил суғургандек кечди. Дилафрўз тезда зарур ҳужжатларни тахлади. Аммо Навбаҳорнинг кўнгли бироз нотинч эди. Узоқ Самарқанднинг Жомбой туманида қолган ўғли ҳар лаҳза кўз олдида намоён бўлаверди. Бир неча кундан сўнг хорижга учишлари аниқ бўлгач, Навбаҳор уйига бориб келиши учун рухсат сўради. Мақсади узоқ сафар олдидан яқинлари ва ёлғиз боласининг дийдорига тўйиш эди. Аммо Дилафрўз унга 1 ноябрь куни учиб кетишларини, шу сабабли ҳеч нарсага чалғимай, уйдагилар билан телефон орқали хайрлашиб кўя қолгани маъқул эканини буйруқ оҳангида айтди.

Шу орада «эҳтиёткор» Дилафрўз ва унинг холаси — олтмишларни қоралаб қолган Шаҳноза Комиловалар Навбаҳорга мажбуран «10 минг доллар қарз олдим», «Хорижга ўз хоҳишим билан кетаяпман» тарзида иккита тилхат ёздириб олишни ҳам унутишмади. Уларнинг бошқа хонада пичирлашиб гаплашиши, юз-кўзларида акс этган сирли ифода ундан ниманидир яширишга уринаётгандек туюлар, буларнинг бари йиғилиб кўнглида шубҳа уйғотарди.

Навбаҳор хориждаги иши ҳақида қайта-қайта суриштиравергач, Дилафрўз жаҳл билан деди:

— Нима, менга хорижда бирор лавозимни тайёрлаб туришибди, деб ўйловмидинг? Фоҳишалик қиласан, эркакларнинг кўнглини оласан!

Навбаҳор бу гапларни эшитгач:

— Нима учун олдинроқ бу ҳақда индамадингиз? Мен бунга рози эмасман! Уйимга кетаман, — деб йиғлади.

Аммо Дилафрўз анойилардан эмасди. У бунга жавобан сирли жилмайди:

— Майли, ўзинг биласан. Аммо билиб қўй, сен учун анчамунча харажат қилиб қўйдим, марҳамат қилиб уларни тўла-да, кетавер. Мана, қўлимда 10 минг доллар қарз олдим, деган тилхатинг турибди.

Юраги орқасига тортиб кетган Навбаҳор жим бўлиб қолди. Лекин тақдирга шунчаки кўниб қўя қолишни ҳам истамасди. Ўйлаб-ўйлаб ички ишлар ходимларига кўнгирок қилди...

Аэропортга Навбаҳор билан Дилафрўз ва унинг холаси Шаҳноза Комилова ҳам бирга борди. Ўша ерда унга паспорти ва тўлдирилган декларацияни беришди, қаерга кетаётганини сўрашса, «хориждаги опамникига, бир ҳафтадан сўнг қайтаман» деб айтиши лозимлигини қайта-қайта уқтиришди. То хорижга етиб олгунча бир-биримизни танимаймиз, дейишгач, Навбаҳор секин ичкарига кириб, маҳзун кайфиятда ўриндиққа ўтирди.

Замона шитобига монанд қаерларгадир шошаётган одамларни кузатаркан, ўзи кутган воқеа содир бўлмаётганидан ҳафсаласи пир бўла бошлади. Кейин қизиқиб, қўлидаги билетни ўқий бошлади. Биринчи бор самолёт чиптасини ушлаб турганги боис, унда нима ёзилганини дастлаб тушунмади. Кейин ҳижжалаб «Исроил» эмас, «Куала Лампур» деган ёзувни ўқиди. Бир лаҳзалик ҳайрат ичида алданганини яна бир бор ҳис қилди. Фақат ёнига нотаниш бир киши келиб, хавотир олмаслигини, вазият назорат остида эканини айтгандан кейингина кўнгли бироз осойиш топди. Тез орада одам савдосидек жирканч «бизнес»ни танлаган маънавий тубан кимсалар — Дилафрўз ва Шаҳноза Комиловалар ҳуқуқ-тартибот идорлари ходимлари томонидан қўлга олинди.

Шу тариқа жиноятнинг олди олинди. Айбдорлар Жиноят кодексининг 135-моддаси 3-қисмининг «г» банди билан айбдор деб топилиб, саккиз йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Энди улар Яратганнинг инсонга ҳадя этган энг бебаҳо неъмати — азиз умрининг шунча қисмини панжара ортида ўтказишади.

Эгамберди ШОДМОНОВ,
Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани прокурори

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА ОБУНА БЎЛИНГ!
Телефон: (8 371) 233-08-34 ,
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

Мозийга қайтиб

Ватанни севиш илми

«Икки дарё оралиғидаги жаннат». «Яратган ярлақаган манзил». «Тўрт фаслнинг тўрт гулзори». Яна... шунга ўхшаш ва бундан-да пурмаъно, самимий, ҳайрат ва парвоналик билан айтилган юзлаб таърифлар бор она Ватанимиз ҳақида.

Баъзан ўйлаб қоласан, юртимиз шу қадар гўзал бўлмаганида, тарихий мусибатлардан ҳам қутулиб қолармидик. Не-не босқинчилар кўз олайтириб аждодларимиз истеъдоди ҳамда табаррук тупроғимиз меҳридан яралган бойликларни талон-торож қилиш мақсадида қилич кўтариб келмасмидилар?

Лекин бу ўйловлар шунчаки оний, баъзида инсон хаёлига ёпирилиб келадиган пуч хаёллар каби зум ўтмай ўчиб кетади. Аслида, шу азиз тупроқда ётган етмиш етти пуштимиз ва биз — яшаётганларнинг, эртага навбати етиб келадиганларнинг номаи аъмолига — шу буюк Ватанни, нозанин, малаксиймо диёрни кўз қорачиғидек асраш, унинг зеболигини қиёмат қадар авайлаш ёзилган.

Паҳлавон Маҳмуд дейди:

"Кимдаки бўлмаса
замона ғами,
Ё оламда эмас,
ё одам эмас".

Воқеан, юрт фарзанди замон билан ҳамнафас, ҳамқадам, унинг қувончу ташвишларига шерик бўлиб, ҳар дақиқада зарурат туғилса жонини беришга тайёр бўлмаса – бу жуда ҳам қайғули. Ватанга муҳаббат, унга садоқат инсон учун инсонийлик тахтидир. Бу тахтга ўтирганлар Ватандан ҳеч нарса сўрамайдилар, аксинча, мен Ватанга нима бердим дея, ўзларини юрт равнақи учун сафарбар этадилар.

Чунончи, унутмайликки, Ватан дея наъра тортиб, умрининг ҳар бир лаҳзаси муқаддас тупроғимизнинг шаъни, ор-номусини ҳимоя қилиш билан ўтган, Самарқандни мўғуллар истило қилганидан сўнг то халоқ бўлгунича бирор марта кулмаган, қовоғини уйиб қутурган арслонлар галасига доимо шердай ташланган мингйилликлар қаҳрамони Жалолидин Мангуберди бизнинг бобокалонимиздир. Бинобарин, унинг ҳаёти биз учун Ватанни севиш илми, уни қадрламоқ санъати, ҳақиқий фарзандлик мактабидир.

Жалолиддин Мангуберди ҳақида жуда кўп асарлар ёзилган. Қаҳрамонликлари эл оғзида достон бўлиб афсоналарга айланган. У отаси Муҳаммад Хоразмшоҳнинг катта ўғли сифатида муҳорабаларда пишган, етук саркарда бўлиб танилган эди. Шу боис, ҳаммадан олдин Чингизхон қўшинлари кундан-кунга кучайиб бораётгани ва кун келиб Осиёнинг энг гуллаб-яшнаган ўлкасига ҳамла қилиши мумкинлигини билар, бу ҳақда отасига, сарой аъёнларига айтар, қўшинларни қалъаларга бўлмасдан, барини бир жойга тўплаб, чегарани мустаҳкамлаш зарурлигини уқтирар эди. Аммо, таассуфларки, буюк саркардага замон пешволари ишонишмади. Боз устига, унга туҳматлар ёғдириб, тахтдан маҳрум қилишга интилишди. Душманга қарши бирлашиш ўрнига шахсий манфаатлар, ўткинчи ҳою ҳавасларга берилдилар. Мўғуллар Жалолиддин айтгандек, бирин-кетин қалъаларни кулини кўкка совурди. Қудратли қўшинидан айрилгач, Орол денгизидаги ороллардан бирига яширинишга мажбур бўлган Муҳаммад Хоразмшоҳ тарихий хатосини англаб етди. Юртининг оёқ ости бўлишига йўл қўйганидан изтироб чекиб, оғир хасталикка учради. Тўнғич ўғли Жалолиддинни ҳузурига чақириб, тахтни унга топширди. Ватан озодлиги учун сўнгги томчи қони қолгунча курашишни сўраб оламдан кўз юмди.

Жалолиддин айнан шу лаҳзада илк бор шердай наъра тортган бўлса ажабмас. Дастлаб 300 садоқатли йигити билан мўғулларнинг 700 кишилик бўлинмасини Нисода янчиб ташлайди. Бутун шарқ олами салтанатларига номалар йўллаб ваҳший галаларга қарши кураш йўлида бирлашишга даъват этади. Чоратрофдан минг-минглаб уйи куйган, қишлоғи харобазорга айлантирилган мард ўғлонлар келиб султон аскарлари сафига қўшилади. Кўп ўтмай Кандаҳорни қамал қилиб турган мўғул қўшинларига ҳамла қилишади. Барини ер тишлатади. 1221 йили Валиён қалъасига ҳужум қилаётган босқинчилар тор-мор этилади. Ниҳоят, Чингизхоннинг моҳир саркардаси Шикки Хўтухи нўённинг жанговар қўшинини пухта ўйланган ҳарбий стратегия эвазига енгишади. Айтиш жоизки, бу мағлубият чингизийларнинг Марказий Осиё сарҳадларида учраган илк мағлубияти эди.

Шундан сўнг Чингизхон жазавага тушади. Эҳтимол, шу пайтда у Муҳаммад Хоразмшоҳ ўғли Жалолиддинга ўз қўшинини бир неча йил олдин ишониб топширганида чегарадаёқ мўғуллар мағлуб бўлиши муқаррарлигини ўйлаб қўрқиб кетгандир. Таассуфки, Жалолиддиннинг деярли кўнгиллилардан иборат қўшини пухта тайёргарлик кўрган қўшинга қўққисдан ҳужум қилавериш оқибатида ҳолдан тойган эди. Бундан фойдаланган Чингизхон Жалолиддин ва унинг аскарларини Ҳинд дарёси қирғоғига сиқиб келади. Саркардаларига Жалолиддин ва унинг оиласини асир олишларини буюради. Нақл қилишларича, шунда Чингизхон тасаввурига сиғдира олмаган ҳодиса юз беради. Жалолиддин оиласини дарёга чўктиради. Қилич ялангочлаб ваҳший тўдалар орасидан тўрт минг йигити билан ёриб ўтиб оти билан дарёга сакрайди. Дарёнинг ўртасида от тўлқинлар устига отилиб чиқади. Жалолиддин қиличини Чингизхонга қаратиб қатъият билан силтайди. Нақл қилишича, Чингизхон буни кўриб "Ота ўғил шундай бўлиши керак!" деган экан.

Жалолиддин шундан кейин ҳам Чингизхон қўшинларига тинимсиз зарбалар бераверади. Аммо унинг шарқ халқлари орасида "халоскор" сифатида чексиз ҳурмат-эътиборга сазовор бўлаётгани ҳукмдорларга ёқмайди. Жалолиддин кўтарган озодлик байроғи остида бирлашиш ўрнига, унга қарши жанг қилишга аҳд қилишади. Натижада Жалолиддин ҳам шарқ ҳукмдорлари, ҳам мўғул босқинчиларига қарши курашишга мажбур бўлади.

Унинг энг сўнгги жанги ҳам босқинчиларга қарши кечади. Яраланган, қилич кўтаришга ҳоли қолмаган буюк инсонни мукофот олиш илинжида юрган бадбахт кимса хиёнаткорона равишда ўлдиради.

Жалолиддин Мангуберди ҳалоқ бўлгач, шарқ осмонини қора тутун қоплайди. Яримта ойга ўхшаш оловли қилични кўтариб, мазлум халқларни ҳимоя қилишга қодир бошқа мард топилмайди. Султоннинг ишончини сотган ҳукмдорлар ҳам мўғуллар қўлида ҳалок бўлишади. Ачинарлиси, бирор миллат, элу элатдан Жалолиддиндек саркарда Соҳибқирон Амир Темурга қадар етишиб чиқмайди.

1998 йилда Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигини нишонлаш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинади. Унда Жалолиддин Мангуберди жасоратини, тарихимизда тутган беқиёс ўрнини, Ватанга муҳаббатини, ёрқин хотирасини эъзозлаш ва қадрлаш, тарғиб-ташвиқ қилиш билан бир қаторда унинг шарафига Урганч шаҳрида ёдгорлик мажмуасини барпо этиш белгилаб берилади. 1999 йил, 5 ноябр куни давлатимиз раҳбари ушбу ёдгорлик мажмуаси очилишига бағишланган тантанали маросимда нутқ сўзлаб, шундай деган: "У бизнинг озодлигимизга, истиқлолимизга тажовуз қилмоқчи бўлган ҳар қандай ёвуз кучга қарши тик туриб курашишга, мардона зарба беришга қодирлигимизнинг тасдиғи ва тимсолидир.

Бу баҳодир зотнинг муборак номи, унинг қаҳрамонлиги келажак авлодларга, биринчи галда сиз билан бизга, тарихий хотира олдида бошимизни мағрур тутиб яшамоғимиз учун тўла ҳуқуқ беради."

Ҳа, Жалолиддин Мангуберди бизга ғурур бахш этган зот. Ўз навбатида Султон Жалолиддин Истиқлол туфайли қадр-қиммат, эҳтиром, эъзоз топгани ҳам айни ҳақиқат. Муаррих Насафийнинг Жалолиддин Мангуберди ҳақида ёзган китобида қуйидаги жумлалар бор: "Унинг ботирлигига келганда айтиш керакки, султон арслонлар орасидаги энг кучли шер эди. Бир сўзли, кек сақламайдиган, очиқ кўнгил, тўғри одам эди. У жиддий шахс эди." Илло, Ватанимиз тинчлигини қўриқлаётган ҳарбийларимизнинг ҳам ҳар бири ана шу таърифга мос эканига ишонгинг келади. Чунки озод юртимизнинг ҳар бир фарзанди қалбида Жалолиддин Мангубердидан мерос — жасорат ва Ватанга муҳаббат машъаласи бор.

Абдували ҚУТБИДДИНОВ

Туйғулар

У борки, умидлар бор...

У борки, мен саҳарлаб уйғониб, Яратганга шукроналар билдираман. «Шундай фаровон кунларга, юртимда тинчлик-осойишталик барқарор бўлиб, кунтунларимизни файзли этганингга минг қатла шукур!» дея ҳамду саноларимнинг адоғи бўлмайди. Сўнг деразаларимни ланг очиб, мусаффо осмонни кузатаман. Юз-кўзимга урилаётган ёқимли баҳор ҳавосидан кўксимни тўлдириб сипқораман. У ўзи билан қалбимга олиб кирган она заминимизнинг таъмини, ҳидини берар экан, эрта тонгданоқ қалбимга ўзим англаб-англамас буюк кучлар жойлашиб олади-да, мени ўзи каби буюк ва савобли амалларни бажаришга ундайди: «Шошил, вақтингни беҳуда ўтказма, бундай кунларнинг ҳаққини адо этмоқ лозим».

У БОРКИ, УМИДЛАР БОР...

У борки, оиламиз билан бемалол нонушта қилиб, биримиз ишга, биримиз боғчага, биримиз ўқишга отланамиз.

У борки, байрамлар, дам олиш кунлари баҳонасида мени катта йўлга кузатган, оқ ювиб-оқ тараган мукаррам зотлар — ота-онам ҳузурига ошиқаман. Дийдорларига тўяман. Менга илиниб, саватчага солиб шифтга илиб қўйган тансиқ неъматларини бирин-кетин олиб чиқа бошлайди онам бечора. Майиз, қовунқоқи, туршакларни... Туғилган ҳовлимизда ўсган дарахтларнинг меваси янги узилганида-ку ажиб, қуритилгани эса ундан-да ажиб таъм беришини англайман, дилимда яна фахр-ифтихор туйғулари жўш уради.

У борки, онам ҳар йили мана шундай неъматларни — жамланса ҳовлига сиғмайдиган суюкли набираларидан, яқинидаги ўғил-қизларидан, ҳатто меҳмонларидан ҳам орттириб, тўрхалтага жойлаганча яна ўша шифтга осиб мен учун асраб қўяди.

У борки, набирамнинг суннат тўйида ҳадя этаман, деб онаизорим тағин кўрпа қавийди... Йигитлик бурчини адо этмоқ учун ҳарбий хизматга кетган укам тишлаб кетган, тепада осиғлиқ бир жуфт кемтик нонга тикилганча ширин хаёлларга берилади. У келгач, бўлажак тўйни тасаввур қилади. Ўзи киймай, бўлажак келинимга, деб сандиққа ташлаган сарполарни бир-бир кўздан кечиради...

У борки, фарзандларим бағримда, ёнгинамда пишиллаб ухлашларини кузата-кузата яна Оллоҳга шукрона айтиб, уйқуга кетганимни билмай қоламан.

У сўзнинг номи — Тинчлик, Осойишталик, Истиқлол, Мустақиллик, Озодлик, Ҳурлик. У сўз шунинг учун ҳам таҳлилга муҳтож эмас, у сўз энг қадрли, энг суюкли, энг буюкдир.

* * *

— Ойижон, Ватан нима дегани? — тўрт ёшли ўғилчам эшикдан кира солиб саволга тутди.

— Нимага сўраяпсан буни, ўғлим? — дедим унинг бежизга сўрамаётганини тушуниб.

— Бугун боғча опам Ватан ҳақида шеър ўқиб бердилар, она Ватан, деб айтдилар, сизнинг исмингиз Ватанми?

Саволлари ниҳоясиз ўғлимни тиззамга ўтқизаман:

— Ватан — мана шу яшаб турган уйимиз, оиламиз, ҳовлимиз, шаҳримиз, Ўзбекистонимиз, ҳаммаси — Ватан.

— Боғчам-чи?

— Боғчанг ҳам, чунки сен кун бўйи у ерда бўласан, ўйнайсан, овқатланасан, машғулотлар ўтасан, дўстлар орттирасан. Боғчада сенинг устозинг, энаганг сени бизга топширишгунча кўз қорачиғидай асраб ўтиришади. Ана шулар ҳаммаси – сенинг Ватанинг. Шунинг учун ҳам устозларингни ҳурмат қилишинг, яшаб турган жойингни озода сақлашинг керак. Бу она Ватанни ва унда яшаётган кишиларни қадрлаш, дейилади.

— Унда нега боғча опамлар она Ватан дедилар. У сизга ўхшайдими?

Қарасам, саволларининг адоғи йўқ...

— Эсингдами, бир куни Ҳамид ўртоғингни уйини роса мақтагандинг. Уларникига борамизми?

— Ҳа-а, борайлик, — қувонганидан сакрашга тушди у.

— Бўпти, фақат бир шартим бор. Сени уларникида қолдириб келаман.

Ҳозиргина оёқ кийимини кийишга шошилаётган ўғлим бу гапимдан кейин секин ортига қайтди.

— Сиз ҳам қоласизми?

— Йўқ, ўзингни ташлаб келаман, энди уларникида яшайсан.

— Э-э, керакмас, — бошини бағримга босади у.

— Нега, ахир айтгандинг-ку, Ҳамидларникида ҳамма нарса бор, велосипед, самакат, пультли машиналар...

— Барибир бормайман. Ҳаммасидан ўзимизнинг уйимиз яхши! — бўйнимдан маҳкам қучиб олди у...

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА

Севги сурури

Бадиа

Эрта баҳор кунларининг бирида "Чилонзор" метросидан чиқдим-да, гул бозори томон юрдим. Борликдаги ўзгаришлар одамларга ҳам ўтган, лоқайдликлар ўрнини уйғониш эгаллаб, ҳаракатларида шахт, қадам олишларида суръат пайдо бўлган. Ҳамма қаёққадир шошади, қадам товушлари, йўл талашган автобусларнинг сигналлари, машиналарнинг гувлаган овози қулоқни батанг қилади. Унча-бунча нарсани эшитиш ҳам, илғаш ҳам қийин. Бироқ оҳан (магнит - тах.) темир кукунларини ўзига тортганидек, ошуфта дил интиқ кайфиятига яқин шивирни ҳам тез англаб олар экан.

Бахмалдек бир майин наво қулоққа чалинди. Бу овоз катта йўл тарафдан келар, пастак дарахт соясида ўтириб олган кўзи ожиз аёл хиргойи қиларди. Олдида ҳимарилган елим халта, унга чой-чақа ташланган, афтидан, ожиза ўзгаларга тириктовон,текинхўр-сўқатой бўлишни хоҳламай, меҳнат қилиб, пул топишга жаҳд этганди. У заифона, ҳорғин товушда қўшиқ сатрларини куйлар, ширали овози шовқинлар қуйқасини босиб, қулоққа аниқ-тиниқ қуйиларди:

Қўлимдаги рўмолим,
чаман ичра, боғ ичра,
Гул шохига илинди,
чаман ичра, боғ ичра...

Неча йиллар давомида халқ даҳоси билан сайқалланган оҳанглар дилга яқин, унинг ҳар бир сўзига теран маъно сингдирилган. Бирданига рўмол тутган ва чаман ичра шошиб кетаётган қиз кўз олдингизга келади. Унинг нотинч кайфияти, хуркак оҳудек қиёфаси дардли тарона орқали яққол намоён бўлади. Гўзалнинг безовта ҳолатига тегажоқлик қилмоқчи бўлгандек, гул ўзининг шохи билан унинг йўлини тўсади ва қизнинг рўмолини тутиб қолади. Бундай "шўхлик"дан сулув ранжимайди, билъакс, ўзига бутун борлиқ суқ билан қарашини билгандек, назокат ила "... рўмолим ...гул шохига илинди" деб қўя қолади. Ниҳоятда ҳарир манзара...

Мана шу икки сатрнинг сеҳри хаёлни узоқ-узоқларга олиб кетади, кўнгилда тотли ҳислар уйғонади. Яна унда соғинч бор, шу соғинч ҳисси қўшиқнинг давомини ҳам тинглашга мажбур қилади, беихтиёр қадамлар ҳаракатдан тўхтайди, нигоҳлардан олдин қулоқлар овоз келган тарафни излайди.

Кимни тутар уволим,
чаман ичра, боғ ичра,
Ёлғизлигим билинди,
чаман ичра, боғ ичра.

Писанд қилинмаган кўнгил иштиёқидан сўнг пайдо бўлган оғриқни бундан ҳам нафис, айни чоғда дардли ифодалаб бўладими? Сиқувлардан дили дарз кетган ошиқ ҳамма ишкалнинг калитини "ёлғиз"лигидан топади, тарафкаши, яқини йўқлигидан обидийда қилади ва тоза кўнглидан сизиб чиққан мусаффо туйғусининг қадр топмагани ажрини сўрайди: «уволи кимнидир тутармикан?". Икки сатр орқали қалб мулкини шунчалар остин-устун қилиб ташлаш чинакам даҳолик. Бу — халқ даҳолиги, сўзнинг бемисл қудрати нумунаси.

Гул бозорини айланиб, "ўсимликка айланган шеърият"нинг тароватига шерик бўлиб турганимда ҳам дилбар халқ қўшиғининг таъсирида эдим. Қўшиқ дарддан туғилади, дейдилар. Дард одамни емиради. Балки қўшиқ айтиб, у бу кўргуликдан халос бўлар? Ранглар тароватини сипқориш бахтидан мосуво, бироқ дунёни қалб кўзи билан англаётган аёлнинг шахсиятини нималар безар экан, унинг ўзи тасаввур ҳам қила олмайдиган манзарани қўшиғида ифодалаётганини қаранг. Шу хилдаги мулоҳазалар билан яна унга яқинлашаётганимни сезмай қолибман. Ҳеч нарса ўзгармаган, ҳатто чойчақанинг чўғи ҳам олдингидек эди.

Ҳофиза янги қўшиғини бошлаганди. Энди қоматини кўтарган, унниққан рўмол ўраган боши тик, овози эса анча жарангдор эди. Унинг ички шодиёна билан куйлаётган сатри аста қўйилиб келди, ички бир ҳис барча сўзларни жон қулоғим билан тинглашга ундади. Аёл ўша маҳзун овозда, бироқ анча ўктам куйларди:

Севганим ёдимга тушди,
толеъимдан ўргилай.

Дабдурустдан бу сўзларни "Севганим ёнимга келди, толеъимдан ўргилай" тарзида эшитибман ва аланглаб, ёнига қарадим. Бироқ атрофида ҳеч ким йўқ, у ўзининг холи дунёсида ўзи билан ёлғиз эди. Куйлашда давом этди ва таажжубки, биринчи айтганини такрорлади. Бу гал яна ҳам берилиб қулоқ тутганимдан сўзлари донама-дона эсимда қолди: у севгани ёдига тушганида ўзида рўй берган ҳолатни тараннум этарди. Ҳолати эса ҳайратланарли эди. Севганининг ёдига, хаёлига келгани билан ўзини дунёдаги энг бахтли одам деб ҳисоблайдиган одамдан ҳам буюк инсон борми? Унинг интизор кўнгли ёр хаёли билан ёришиб кетганди. Шу билан унга одатда бахт, иқбол, омад, пешона сингари тушунчаларнинг баридан юқори турадиган "толеъ" насиб этганди.

Суюкли одамини баногоҳ эслаб қолганидан шодланадиган кишининг қалби нақадар олижаноб! Ахир гоҳида баъзиларни дунёнинг бутун бойлиги ҳам хурсанд қила олмаган-ку. Ахир дарёнинг ичида туриб, сув юқмайдиганлар қанча? Бу аёл эса юпун либоси, ерга қапишиб ўтирган маҳзун қиёфаси билан ҳам улуғвор эди, у ноёб бахт ичида эди. Унинг бу ҳолати чинакам ишқни туйганидан, у билан яшаганидан далолат эди.

Бу сатрнинг мазмунини узоқ мулоҳаза қилдим. Қаранг, дунёда шундай туйғулар ва уларнинг ўзидан ҳам ноёб эгалари бор-а. Қаранг, ўша пайтда унга ҳеч нарса керак эмас, ўз хаёли билан бахтиёр эди. Олтин тоққа эга бўлса ҳам ёришмайдиган кўнгиллар қаршисида у жудажуда бой эди. Аксарият одамлар "толеъ"ни бошқа жойлардан қидиради, унинг муштоқ қалби эса эпкиндек бир елиб ўтган ҳисдан ҳам музайян эди. Мана, олижаноблик!

Ростдан, ҳеч кимнинг диққатини тортмай, ўз дунёсида яшаётган ўша инсон кўпларга ўхшамасди. У ўз дунёсининг ҳукмрони эди. Бизнинг эса олдимизни кесиб чиққан, ҳатто гирибонимиздан олган ташвишлар гирдобида қанча вақтимиз, қолаверса, бутун умримиз ўтиб кетади. Қанийди, ечимини топмаса бўлмайдигандек, тирикчилик ўтмайдигандек туюлувчи, ажриққа ўхшаб оёққа ўралган юмушларнинг ҳаммасини орқага силтаб ташлаб, ички мамнуният билан, ҳатто "оҳ" урмай ҳам айта олсак эди:

Севганим ёдимга тушди,
толеъимдан ўргилай.

Шундай, эрта баҳор кунларининг бирида гул бозоридан кўнглим "гуллаб" қайтгандим. Мана, ўн йиллар ўтдики, ўша кунни, ўша ҳолатимни унута олмайман. Куйлаётган хокисор аёлнинг шодонлиги ва бахти доим мени мафтун этаверади.

Ҳаким САТТОРИЙ

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ БАРЧА ТУРДАГИ КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ ПОЧТА АЛОҚАСИ хизматларидан фойдаланинг!
Телефон: (8 371) 233-57-47,
Сайт: www.pochta.uz, E.mail: oao@post.uz

Юрган — дарё

Экотуризм ва иқтисодиёт

уйғунлиги мамлакат ривожига катта ҳисса қўшади

Экотуризм — кейинги йилларда луғат бойлигимизга қўшилган, сайёҳлик соҳасида бот-бот қўлланилаётган янги сўз. Туризмнинг аввало саломатлик, қолаверса, маънавий олам учун фойдаси ниҳоятда катта.

Баъзилар экотуризм деганда чўққиларидан қор аримайдиган, дарёлари доимо бедор, турфа гиёҳлар ифорига тўйинган соф ҳаволи тоғлар бағрига сайр қилишни тушунади. Бироқ ана шундай манзарали гўшалар билан бирга саксовуллар зеб бағишлаган саҳрода, майин қум оёқни куйдирадиган чўлу биёбонларда кезишнинг ҳам бир олам завқи бор.



Китоб туманидаги ҳазрати Башир мақбараси

Кейинги пайтда туризмнинг бу турига қизиқиш ва эътибор тобора ошиб бораяпти. Негаки, экосайёҳлик одамларнинг кайфияти, саломатлигига ижобий таъсир кўрсатибгина қолмай, аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадларини ошириш, пировардида, мамлакат иқтисодиётини янада ривожлантириш имконини ҳам беради. Шу боис Президентимиз Ислом Каримов томонидан 2006 йил 17 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида юртимизда туризмни, шу жумладан, экосайёҳликни ҳар томонлама ривожлантириш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жаҳон талабларига жавоб берадиган даражада ташкил этиш жадаллашди.



Азим чинорлар остидан отилиб чиқаётган бу улкан чашмани Қорабулоқ дейишади

Мамлакатимизда экотуризм учун мос, одамларни ўзига ром этадиган бетакрор гўшалар кўп. Жаннатмонанд диёримиз шу даражада гўзал ва мафтункорки, унинг бутун ҳудуди экосайёҳлик манзилларидан иборат, дейиш мумкин. Жумладан, Қашқадарё вилоятининг юқори қисми — Ҳисор ва Зарафшон тоғ тизмалари этагидаги Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ туманлари ҳудудида сайру саёҳат қилинадиган жойлар, сўлим табиат қучоғидаги зиёратгоҳлар етарлича. Ургутнинг баҳаво тоғларию, Фарғонанинг сўлим боғларини кўз олдингизга келтириб кўринг. Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ тумани ҳудудларидан йил бўйи сайёҳларнинг қадами узилмайди. Дам олиш мавсуми бошланиши билан бу масканлар одамлар билан гавжумлашиб кетади. Бетакрор табиатимиз хориждан келаётган меҳмонларни ҳам ҳайратга солмоқда. Масалан, Китоб туманида бўлиб ўтган «Асрлар садоси» анъанавий маданият фестивалида иштирок этган япониялик машҳур археолог олим Като Кюдзо ҳам буни эътироф этганди.

Халқимиз маънавиятининг юксалишида хизмати катта бўлган улуғ зотлар зиёратгоҳларидан ҳам одамлар қадами узилмайди. Табаррук қадамжолар нафақат зиёратгоҳ, балки сайёҳлик манзилларига ҳам айланган. Масалан, тоғлар бағрида, энг хушманзара гўшада жойлашган ҳазрати Султон Саид Аҳмад Башир зиёратгоҳига келган киши ислом оламида жуда катта мавқега эга бўлган бу улуғ зот мақбарасини зиёрат қилиш билан бирга азим чинорлар остидан отилиб чиқаётган жуда катта булоқнинг ширин сувидан баҳраманд бўлади, ёши олти ярим асрдан ошган ноёб арча, писта дарахтларини, бошқа табиат ёдгорликларини томоша қилади.



Дарҳақиқат, мамлакатимизнинг тоғ ён бағирларидаги саёҳатбоп масканлар ана шундай гўзал ва ҳайратланарли. Бироқ сайёҳлар ва дам олувчиларга хизмат кўрсатиш ҳам гўзал табиатимизга мосми? Сервис хизмати қандай ташкил этилган?

Аввало шуни қайд этиш керакки, Қашқадарё вилоятида экосайёҳлик манзиллари болалар оромгоҳлари, санаторийлар, дам олиш масканлари, шунингдек, зиёратгоҳлардан иборат. Кейинги йилларда аксарият болалар оромгоҳлари замонавий дизайн асосида шундай таъмирландики, келажак авлодларимизни соғломлаштириш учун яратилаётган шарт-шароитлар ва қулайликларни кўриб барчанинг ҳаваси келади. Бу, энг аввало, мамлакатимизда ёшлар камолоти йўлидаги олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ва ғамхўрликнинг бир ифодасидир. Китоб туманидаги «Алангачи», Шаҳрисабз туманидаги «Лочин», Яккабоғ туманидаги «Ниҳол» оромгоҳлари ана шундай жойлар жумласига киради. Айниқса, табиати бетакрор Мираки қўрғонида жойлашган Шуртан газ-кимё мажмуи тасарруфидаги "Лочин" оромгоҳи бугун дунёнинг энг яхши оромгоҳларидан ҳеч бир жабҳада қолишмайди. Буни халқаро андозаларга тўла мос келадиган, Китобдаги «Мингчинор PLAZA» санаторийси мисолида ҳам кўриш мумкин. Шу ўринда бир фикрни таъкидлаш керак, Тахти Қорача довон йўли атрофида бундай санаторий ва оромгоҳлар тармоғини янада кенгайтириш, экотуризмни ривожлантириш учун катта имкониятлар мавжуд. Экзотик кўриниши, юмшоқ иқлими, мусаффо ҳавоси ва шифобахш булоқ сувлари бу жойни келгусида шуҳрати етти иқлимга кетадиган сайёҳлик манзилига айлантирса бўлади.

Яна бир фикр. Кейинги йилларда вилоятда сайёҳларнинг кам сонли гуруҳларини қабул қиладиган сайёҳлик фирмалари ва дам олиш масканлари ҳам астасекин кўпайиб бораяпти. «Нега кам сонли?» дерсиз. Ҳозирча бундай фирмаларнинг катта гуруҳларни қабул қилиш ва хизмат кўрсатиш учун имкониятлари чегараланган. Масалан, «Мингбулоқ» оромгоҳида қарийб йигирма кишига мўлжалланган замонавий ётоқхона биноси бор. Аммо бир кунлик дам олувчилар учун жой етарли, шовуллаб оқиб турган жилғалар ёқасида ўнлаб кароватлар ўрнатилган. Бироқ бу ерлар истиқболли сайёҳлик — дам олиш масканларини замонавий андозаларда ташкил этиш, реклама, алоқа-коммуникация, қулай транспорт, умуман, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси билан боғлиқ кенг қамровли тизимни юзага келтиришни талаб этади. Айрим жойларни ҳисобга олмаганда, сервис соҳасидаги мавжуд шарт-шароитлар билан нозик дидли меҳмонларнинг кўнглини шод этиш қийин.

Кези келганда воҳанинг турли туманларидан ҳамда қўшни вилоятлардан келаётган катта-кичик сайёҳлик гуруҳлари аксар ҳолларда тасодифий, туризм хизмати кўрсатиш юзасидан лицензия олинмаган масканларда дам олаётганини ҳам айтиб ўтиш лозим. Ҳатто сайёҳлик манзилига айланган қишлоқларда баъзи кишилар ўз ҳовлиларида меҳмонларни қабул қиладиган «қўлбола оромгоҳлар» ташкил этишган. Бу бир қарашда ёмон эмас. Лекин мутасадди ташкилот ходимлари хонадон соҳибларини соҳанинг мақсад ва вазифаларидан хабардор қилса, йўл-йўриқлар кўрсатса, пировардида бу масканларнинг оммавий саёҳлик даргоҳига айланишига кўмак берса, нур устига аъло нур бўларди.

Хулоса қилиб айтганда, бугун экотуризмни ривожлантириш давр талабига айланди. Бу борада ҳудудда катта ишлар бошланиб кетгани эътиборга лойиқ. Назаримда, экосайёҳлик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини энг юксак талаблар асосида ташкил этиш билан боғлиқ кенг қамровли, ҳар жиҳатдан мукаммал дастурни қабул қиладиган ва ишларни у асосида олиб борадиган пайт келди. Зотан, сайёҳликнинг тобора оммалашиб бораётган бу тури юқорида қайд этилганидек, аҳоли бандлигини барқарор таъминлаш, иқтисодий салоҳиятимизни янада юксалтириш ва халқимиз саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Мақсуд ҲАМРОЕВ,
журналист

Сув спортига қизиқиш ортмоқда

Кейинги йилларда ёшларимиз орасида сув спорти билан шуғулланувчилар сони ортиб бормоқда. Биргина "Умид ниҳоллари" мусобақасида иштирок этувчилар сафида ушбу спорт тури билан шуғулланувчи ўғил-қизлар сезиларли даражада кўпайгани фикримизни тасдиқлайди. Масалан, 2009 йилда мазкур мусобақада 3,5 минг нафар ёш спортчи сув спорти бўйича беллашувларда ғолиблик учун баҳс олиб борган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич икки баробар (8 минг нафар) ошди.

Сув спортни оммалаштиришда пойтахтимизнинг "Ёшлик" талабалар шаҳарчасидаги ихтисослаштирилган сув спортини ривожлантириш республика марказининг ўрни беқиёс эканини айтиб ўтиш жоиз. Мана, беш йилдирки, бу даргоҳда ёш авлод сув спортининг барча турлари билан шуғулланиб келмоқда. Ушбу сув ҳавзасида бир вақтнинг ўзида 54 нафар сузувчи машқ бажариш имкониятига эга. Узунлиги 50 метр, эни 21 метрни ташкил этган усти ёпиқ ҳавза хориждан келтирилган замонавий сувни тозалаш, фильтрлаш ва унинг зарур ҳароратини таъминлаш имкониятини берувчи ускуналар билан жиҳозланган. Шу боис, бу маскан қиш кунларида ҳам ёшлар билан гавжум бўлади. Шунингдек, марказга футбол ва теннис секциялари ҳам бириктирилган бўлиб, бу ерда йигит-қизлар спортнинг у ёки бу тури билан мунтазам шуғулланиб келишади.

— Ҳозирги кунда сув ҳавзасидан мингдан ортиқ ёшлар фойдаланиб келмоқда, — дейди марказ директори Чори Саидов. — Сузиш, синхрон сузиш, сув полоси секцияларига 650 нафар йигит-қизлар мунтазам қатнашади. Уларнинг 400 нафарга яқини ҳаваскор спортчилардир. Бундан ташқари, футбол ва теннис секцияларига юздан ортиқ болалар жалб қилинган. Алоҳида тренажёр зали, кийиниш, ювиниш ва уқалаш хонаси улар ихтиёрида. Аввалги йиллар билан солиштириб айтиш мумкинки, сув спорти турларига қизиқувчи ёшларимиз сафи йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Тажрибали мураббий Нозим Мўминовнинг фикрича, болаларни 7 ёшдан бошлаб сув спортига жалб этиш мумкин экан.

— Сузишни икки босқичга бўлиб ўргатамиз, — дейди у биз билан суҳбатда. — Бошланғич босқич ҳали сузишни билмайдиган болажонлар учун мўлжалланган. Бунда улар сузиш бўйича дастлабки сабоқларни олади. Иккинчи босқичда эса ёш болалар гуруҳларга ажратилиб, брасс, чалқанча, батерфлай ва эркин усулларда сузишни ўрганишади.

Яқинда марказнинг ўсмир ёшдаги 15 нафар тарбияланувчиси саралаб олиниб, у ерда биринчи сув полоси жамоаси тузилди. Бундан ташқари, синхрон сузишга жалб этилган 20 нафар қиздан иборат жамоа сузиш, сув рақси ва акробатика бўйича малакали мураббийлардан сабоқ олишмоқда. Уларнинг уч нафари Ўзбекистон Миллий терма жамоаси сафидан жой олгани барчани бирдек хушнуд этади.

— Сузиш киши организмига кўп жиҳатдан ижобий таъсир кўрсатади, — дейди марказ шифокори Юнус Катекаев. — Масалан, бу спорт тури билан мунтазам шуғулланган ёшлар баланд бўйли, ортиқча вазндан холи бўлади. Қолаверса, инсоннинг юрак-қон томир ва асаб тизими чиниқади. Танада қон айланиши, нафас олиш ва мускуллар фаолияти яхшиланади. Суяк тўқималарининг ўсиши ва мустаҳкамланишига шароит яратилади. Умуртқа поғоналарига тушадиган оғирлик камайиб, гавда тузилиши тўғри ривожланади. Ҳатто хотира пасайиши, сколиоз ва ясситовнолилик каби касалликлар ривожланишининг олди олинади.

Дарҳақиқат, сузиш, умуман олганда, спорт инсон соғлиғи учун ана шундай фойдали бўлиши билан бирга кишида мақсад сари интилиш, жамоа орасида ўзини тута билиш, дадиллик, босиқлик ва қатъиятлилик каби хислатларнинг шаклланишига ҳам хизмат қилади. Шуларни ҳисобга олиб, сузиш энг фойдали спорт турларидан биридир, дея бемалол айтишимиз мумкин.

Отабек ОТАЁРОВ



«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ

1992-2010 йилларда чиқарилган Ўзбекистон почта маркалари, блок ва қичик варақларнинг мавзули ва йиллик тўпламларини кляссер ва буклетларда сотувда мавжуд

ПОЧТА АЛОҚАСИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

Телефон: (8 371) тел.: 233-70-33; факс: 236-36-48
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

ISSN 2010-7528

Бош муҳаррир: Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Электрон манзил: hurriyat@doda.uz

Таҳририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси —	8-361-505-19-11
Андижон —	8-374-250-90-39
Бухоро —	8-365-592-85-02
Самарқанд —	8-366-233-62-12
Сурхондарё —	8-376-396-30-59
Фарғона —	8-373-215-80-58
Хоразм —	8-362-291-48-44

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Фозил ЖАББОРОВ

Топшириш вақти — 21 00
Топширилди — 22 00

® — тижорат белгиси.

Адади: 8456 Буюртма — Г-526 12 45